Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 8 сентябрь
ШАНБА
№ 205 (4.998).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

Ховос районидаги «Октябрь 70 йиллиги» давлат хўжалигининг Б. Олимов бошлиқ бригадаси пахтакорлари жорий йилда 170 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Улар айни кунларда оқ олтинни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Бригада даласида. 2. Саркор Б. Олимов механизатор Е. Абдусаматов билан машина теримига ажратилган пайкални кўздан кечиришмоқда.

П. ЭРГАШЕВ олган суратлар.

МЎЛ ҲОСИЛ

Ўзбекистон районидаги «Қўқон», «Қолгандарё», «Комсомол» совхозларининг, Ғафур Ғулом номли колхозининг теримчилари Фарғона вилоятида биринчилардан бўлиб пахта далаларига чиқишди. Шу куннинг ўзида улар хирмонга икки минг тоннадан кўпроқ пахта топширишди.

Пудратчи жамоалар пахта парваришини юксак агротехник даражада ташкил қилиб, бу йил яхши ҳосил етиштиришди. Чамалаб кўриш бу йил гектаридан пландаги 29 центнер ўрнига 31 центнер ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатди.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ—ҲАММАГА

Илғор хўжаликларнинг чорвачилик маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва уни кўпайтириш тажрибаси эндиликда Андижон вилояти колхоз ва совхозлари бош зоотехникларининг мулки бўлиб қолди.

Бу тажрибани ўрганишда уларга шу йил апрель ойида вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ҳузурида очилган деҳқончилик-саноат комплекси раҳбар ходимлари малакасини ошириш жумҳурият олий мактабининг вилоят бўлими жамоаси ёрдам берди.

Бир қанча хўжаликлар чорвадорларининг суст ишлаши туфайли биринчи ярим йилликда давлат андижонликлардан 600 тоннадан кўпроқ гўшт, деярли 1440 тонна сут ва 460 минг дона тухум кам олди.

Ана шу ташвишли рақамлар филиал мутахассисларини «Савай» совхоз-техникуми негизида шу хўжаликлар бош мутахассислари учун икки ҳафталик курслар ташкил этишга мажбур қилди.

Аксарият машғулотлар энг яхши чорвачилик комплексларида, бўрдоқичилик базаларида, ижарачи жамоалар далаларида ўтказилди. Кўпчилик тингловчиларнинг фикрича, машғулотлар уларга чорвадорлар ишини яхшилаш учун бой материал берди.

КАТТА ИШЛАР АРАФАСИДА

Тошкент вилояти районларида пахтани танлаб қўлда териш бошланиб кетди. Лекин бу бутун йиғим-терим мавсумидаги жуда катта ишларнинг дебочаси, холос. Вилоят бўйича бу йил давлатга топширилган 352 минг тоннадан кўпроқ ҳосилнинг 75 фоизини техника ёрдами билан териб олиш режалаштирилган. Шунга биноан пахтаси машиналарда йиғиштириб олинадиган барча майдонларда бор имконият жадал ишга солинянти. Терим машиналарининг 98 фоиздан кўпроғи ишга шай қилиб қўйилди. Бироқ вилоятдаги айрим хўжаликларда мавжуд «зангори кема»ларнинг ҳаммаси ҳам ҳали теримга шай эмас.

Ғўза баргини тўкиш учун дори сепадиган 914 та «ОВХ 14/18» маркали пуркагичларнинг ҳаммаси шай ҳолга келтирилган. Мавсум учун етарли миқдорда дефолиантлар жамлаб қўйилган.

Янги ҳосилни қабул қилиб олишга пахта тозалаш заводлари-ю пахта тайёрлаш пунктлари шайми?

Тошкент вилояти пахта тозалаш саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори М. Р. Раҳимовнинг гапларига қараганда, ўн битта заводдан 9 таси, 45 та пахта тайёрлаш пунктидан 40 таси ишга тайёр турибди. Айрим завод ва пунктлар янги ҳосил карвонларини қабул қила бошлаган. Бўка ва Оққўрғон пахта тозалаш заводлари сўнгги кунларда ҳам ўтган йилги ҳосил қолдиғини қайта ишлаш билан банд бўлиб турганликлари сабабли капитал ремонтни кечикиб бошлашган. Баъзи заводларимиз 1990 йил ҳосилини ҳозироқ қайта ишлашга киришаяптилар. Энди ҳамма гап янги хом ашёни сифатли ишлашда қолган. Эндиликда пахта тозалаш заводларининг маҳсулотларини ҳорижга валютага сотиш имкониятлари очилянти.

(ЎзТАГ).

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ?

Жумҳурият вилоятларида ғўзани баргсизлантиришнинг боришн тўғрисида шу йил 7 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — ғўзани баргсизлантириш режаси (минг гектар), учинчи устун — бир кунда, тўртинчи устун — мавсум бошидан (режага нисбатан фоиз ҳисобида).

Сурхондарё	110	5,6	27,6
Жиззах	137	7,5	26,4
Самарқанд	100	5,9	17,3
Тошкент	121	5,8	16,0
Қашқадарё	183	5,0	14,8
Сирдарё	152	4,7	13,9
ҚҚАССР	120	3,8	9,6
Бухоро	115	2,9	9,2
Хоразм	70	2,8	7,7
Фарғона	90	2,0	4,2
Наманган	73	2,0	4,1
Андижон	110	2,0	3,0
Жумҳурият бўйича	1381	4,4	13,7

Мард майдонда билинади

ДАЛАЛАРДА ОППОҚ НУР

Уфққа туташ пахтазор. Чаноғидан тошиб лўппи-лўппи бўлиб очилган пахталар ўзгача файз, чирой бағишлаган. Эрта тонгдан белига этак тутиб, пайкал оралаётган теримчиларга ҳавас билан тикиламан. Кайфиятлари аъло, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишаяпти. Илғор иш усули, ташаббускорлик туфайли съездлар йилида баракали ҳосил етиштирилди. Йиғим-теримга ҳам бир ҳафта олдин киришилди.

Жамоа хўжалиги бошқаруви, партия комитети ҳал қилувчи паллага пухта тайёргарлик кўрди. Таргибот-ташвиқот ишлари жонланди. Мавжуд 16 дала шийпони оммавий-сиёсий ишлар марказига айланди. 24 терим агрегати сифатли созланди. Тажрибакорларнинг фикрича, 12 сентябрдан кейин колхоз бўйича йиллик планнинг 5 фоизи атрофида пахта топширилади. Далаларда 850—900 киши сидқидил тер тўкади. Зангори кемалар тўла унум билан ишлатилади. Айни кунларда ҳосилни танлаб териш қизғин давом этаяпти. Ўзаро социалистик мусобақада Турсунбой Собиров бошлиқ бригада пешқадам. Хўжалик раҳбарлари бу асл пахтакор ҳақида илиқ гапларни айтишди. Далаларни айланиб, одамлар билан фикрлашганимиздан сўнг 10-бригада аъзоларига ҳурматимиз ўн чандон ошди. Улар, ўта оғир шароитда ишлашаяпти. Ер шўрланган бўлишига қарамай омилкорлик, агротехник тадбирларни вақтида сифатли ўтказиш ҳисобига мўл ҳосил етиштирилаяпти. Ўтган йили бригада биринчиларидан бўлиб йиллик планни бажарган эди. Жорий йилда ҳам илғорликни қўлдан беришмаяпти. Гулбаҳор Сариева, Марям Ражабова, Озода Жуманиёзова, Солия Полвонова каби чеварлар биринчи кунданоқ кунига 150—200 килограммдан пахта теришаяпти.

Бригада саркори Турсунбой ака— асл деҳқон фарзанди. Эсини танибдики, пахта билан тиллашиб, мард билан беллашади. Мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштириш устаси. Ўндан ортиқ лаёқатли шогирд тайёрлади.

— Уч йилдан буён аксарият бригадаларда ҳосил ҳашарчиларсиз, ўз кучимиз билан йиғиб-териб олинмоқда, — дейди Турсунбой Собиров. — Техникага муносабат тубдан ўзгарганлиги мақсадга эришишда муҳим омил бўлди. Шу ўринда моҳир механизатор Шариф Жуманиёзов ҳақида тўхталмоқчиман. Ҳалол, пахтасидек оқ кўнгил, бурч масъулиятини ҳар қадамда чуқур ҳис қилаётган, Ўзбекистонимиз доврўғини тараташ мана шундай заршунослар таҳсинга лойиқ. Шарифжон ҳар йили агрегатини ўзи созлайди, биринчилардан бўлиб машина теримини бошлаб беради. Ўтган йили пўлат этакларидан қарийб 150 тонна пахта тўкди. Эндиги нияти ана шу кўрсаткични 160 тоннага етказиш.

10-бригадада йиғим-терим ишлари зўр уюшқоқлик билан бораётганлигининг яна бир боиси бор. Бу ерда инсон омилига алоҳида эътибор берилаяпти. Колхозчилар дам олиш соатларида шийпон ёнидаги ҳовуз атрофида жамул-жам бўлишади. Мазали таом, иссиқ чой мунтазам тайёрланаяпти. Бригада боғидаги сархил мевалар, томорқадаги сабзавот, полиз маҳсулотлари дастурхонни безамоқда. Агитатор Соли Полвонов мазмунли суҳбатлари билан теримчиларга руҳ ва мадад бағишламоқда.

Бир вақтлар хўжалик қолоқлар сафида эди. Ён атроф тўқайзор, сурункасига пахта экилавериб заминдан путур кетган. Даромаднинг тайини бўлмаганлиги туфайли эркаклар бу хосиятли касбдан узоқлашганди. Асосий юк хотин-қизлар зиммасига ўтган. Ана шундай оғир дамларда жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Турсунбой Шержонов кўпни кўрган отахонлар, мутахассисларни йиғиб, уларга маслаҳат солди.

— Карталарни йириклаштириб, маҳаллий ўғит ташиб келтириш керак. Сўнг интизомни мустаҳкамлаш учун қатъий чоралар кўрилмоғи лозим, — якдил фикр шундай бўлди.

Қимматли таклифлар ва мулоҳазалар инобатга олиниб, пахтачиликни жадал ривожлантиришга қаратилган таъсирчан тадбирлар белгиланди. Юздан ортиқ КПСС аъзолари ҳал қилувчи бўғинларга сафарбар этилдилар. Сидқидил тер тўкканлар кўпчилик ўртасида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди. Пудрат шарофати туфайли деҳқон ўз ерининг ҳақиқий хўжайинига айланди. Юқоридан бўлар-бўлмасга аралашавериш, сансалорлик барҳам топди. Партком котиби Раҳимбой Ҳайитбоевнинг таъкидлашича, мутахассислар, бригада бошлиқлари эзгу мақсад йўлида таваккал қилишдан ҳам чўчмадилар. Иш жойида соғлом муҳит вужудга келди. Пировард натижа учун барча бирдек жон койитди. Мана 16 йилдирки, хўжаликда давлатга пахта топшириш плани мунтазам ортиғи билан адо этиб келинмоқда.

Амударё районидаги «Партия XXII съезди» колхозида асосан ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар меҳнат қилишади. Дўстлик ришталари мустаҳкам. Улар бир-бирларидан қиз олиб, қиз бериб, қуда-қудагай бўлиб кетишган. Қишлоқ ўртасидаги меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни кўриб ҳавас қиласан киши. Зеро, буни уларнинг дил сўзларидан ҳам билса бўлади.

— Оғир дамларда кимнинг ким эканлиги яққол намоён бўлади, — дейди қозоқ йигити Мақсуд Жумамуродов.— Ота-онадан эрта айрилдим. Ўз йўлимни топиб олиш қийин кечди. Бироқ яхши одамлар ёлғизлатиб қўйишмади. Улар ёрдамида механизаторлик касбини пухта эгалладим. Садоқатимни ҳалол меҳнат орқали ифодаладим. Бултур катта хирмонга 190 тонналик улушим билан ҳисса қўшган эдим. Бу йилги мажбурият 200 тонна. Пахта йўли— ойдин йўл. Қисқа вақт ичида ўзимни тутиб олдим. Уйли-жойли, бола-чақали бўлдим. Бу йил Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ҳужжатлари муҳокамасига бағишланган йиғилишда якдил қарорга келдик: жамоа хўжалиги бўйича 1990 йил ялпи ҳосилининг камида 70 фоизи зангори кемаларда саранжомланади. Демак, дақиқалардан унумли фойдаланишимиз лозим. Шу мақсадда дефолиация сифатли ўтказилди. Ҳадемай зангори кемалар пахтазорга киради.

Колхоз партия комитети кадрларга нисбатан талабчанликни оширмоқда. КПСС аъзоларининг ҳисоботларини эшитиш, уларни партия топшириғи бериш йўли билан тарбиялаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва бошқа муҳим омилларга катта эътибор бераяпти. Сўнгги вақтларда бригада бошлиғи И. Дўсанов хотиржамликка берилди, дастлабки натижалар билан кифояланиб қолди. Илғорлар тажрибасини жорий этишни ўзига эп кўрмади. Оқсоқоллар уни ўртага олишди. Дала шийпонида бўлиб ўтган очиқ суҳбат чоғида камчиликлари рўй-рост очиб ташланди. Саркорга фойдали йўл-йўриқ, маслаҳатлар берилди. Фаолияти изчил назорат остига олинди. Натижада бригадада муҳит ўзгарди. Мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинди. Йиғим-терим бошланган кун улар бу йил ҳосилдорликни гектарига 35 центнерга етказишга аҳд қилганларини маълум қилдилар.

Сафар Дусенбоев талабчан раҳбар. Ҳар ишга давлат нуқтаи назаридан ёндашади. Ноҳақлик, қаллобликни сездими унинг илдизига болта урмай қўймайди. Партия йиғилишларида барча тармоқни бирдек ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилаш юзасидан билдирган таклифлари амалиётга жорий этилиб, катта наф келтирди. Ҳисоб-китоб ишлари пухта йўлга қўйилди. Колхозчилар сўмни-сўмга уриштирадиган бўлиб қолдилар. Пировард натижада хўжалик иқтисодиёти мустаҳкамланди. Йилига 2,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ иш ҳақига тақсимланаяпти. Муҳими, кўпчилик пахтачиликдан мўмай даромад олиш мумкинлигига қатъий ишонч ҳосил қилди. С. Дусенбоев етакчилигидаги бригада суръатни ошириб бормоқда. Солия Ражабова, Холжон Омонниёзова, Робия Дусейнова каби зарбдорлар кунига 220 килограммга етказиб жавоҳир йиғиштиришмоқда.

Колхозда пахтачилик, чорвачиликдан мўмай даромад олинаётганлиги ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этиш имконини берди. Қисқа вақт ичида тўртта посёлка бунёд этилди. Йўлларга асфальт ётқизилди. Хонадонлар тўла газлаштирилган. Қишки ва ёзги клуб, маданий-маиший хизмат муассасалари меҳнаткашлар хизматида.

Сўнгги вақтларда колхозда янги ғишт заводи, инкубатория ишга тушди. Ветеранлар ташаббуси билан 22 гектар боғ яратилди. Колхоз бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан пахтазор заҳматкашларига маънавий озиқ беришмоқда.

9-бригада даласида бўлганимизда 80 яшар Қамар момо Элова билан суҳбатлашдик.

— Жумҳурият раҳбарларига қуллуқ, — дейди у оппоқ далаларга ўйчан тикилиб. — Сабаби, заҳматкаш деҳқон ҳақида энди росмана гамхўрлик кўрсатиляпти. Ерли бўлдик, истаганимизча парранда, қорамол асрашимиз мумкин. Муҳими, кишиларимиз ўртасидаги яхши муносабат. Яқинда қозоқ фарзанди Оллоёр Худойберганов билан туркман қизи Турберган Давлатованинг бахт кечаларини ўтказдик. Тўйга барча қишлоқлардан вакиллар келишди. Ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз халқларининг куй ва қўшиқлари янгради. Тантанада ўтирибман-у ўзимча фикр қиламан: қани энди ҳамиша ҳам бир-биримизни шундай тушунсак, қўллаб-қувватласак... Қўлга киритилаётган барча муваффақиятлар ўз ўрнини топган раҳбарлар ва мутахассисларимизнинг самарали меҳнати шарофатидир.

«Партия XXII съезди» колхози деҳқонлари кун сари суръатга суръат қўшишмоқда. Ниятлари ҳар гектар ердан 28 центнердан хирмон кўтариб, давлатга қарийб 4 минг тонна оқ олтин топшириш. Барча куч, имкониятлар шунга сафарбар этилмоқда.

М. ҚАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»ннг махсус мухбири.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг фармони

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАНИШИНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД БАЪЗИ ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Қуролли Кучларида, ички қўшинларда, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг қўшинларида, темир йўл қўшинларида ҳамда ССР Иттифоқининг қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларда жанговар тайёргарликка оид машғулотлар чоғида, қурол-яроғ ва ҳарбий техникани ишлатиш пайтида, қурилиш ва хўжалик ишларида, турмушда хавфсизлик чораларини бузиш оқибатида шахсий составнинг ҳалок ва мажруҳ бўлиши фактлари бор.

Жамиятни ҳақли равишда ташвишга солаётган бу аҳвол ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий жиҳатдан етарли ҳимояланмаганликлари билан, шунингдек қўшинларнинг хизмати ва турмушини, шахсий состав билан тарбиявий ишни ташкил этишдаги камчиликлар билан, қисмларда ва бўлинмаларда тартиб ҳамда интизомни сақлаш учун баъзи командирлар ҳамда бошлиқларнинг масъулияти пасайиб кетганлиги, интизом практикасидаги хатоликлар билан боғлиқдир.

Айниқса мамлакатнинг мураккаб миллатлараро муносабатлар ҳукм сураётган минтақаларида жамоат тартибини қўриқлаш соҳасидаги вазифаларни бажараётган ҳарбий хизматчиларга жисмоний тайёқ ўтказиш ҳодисалари тез-тез учраб турибди. Қуролни тортиб олиш мақсадида аскарларга, сержантларга, прапоршчик ва офицерларга ҳужумлар ҳам қилинмоқда.

Мавжуд ҳолатлар ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишини кучайтириш юзасидан қўшимча чоралар кўриш, ҳарбий хизмат шароитлари хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ишнинг самарадорлигини анча ошириш заруллигини тақозо этади.

СССР Конституциясининг 127-моддаси 3-бандига биноан **қарор қиламан:**

1. СССР мудофаа министри, СССР ички ишлар министри, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси ва темир йўл қўшинларининг бошлиғи зиммасига қўшинларда интизом ва тартибни қатъиян мустаҳкамлаша, шахсий составнинг хавфсизлиги учун ҳарбий кадрларнинг масъулиятини ошириша, шахсий составнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган ташкилий ва тарбиявий тадбирлар мажмуини ҳеч кечиктирмай амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Тарбиявий иш билан шуғулланувчи органлар системасида ижтимоий ва ҳуқуқий муаммолар бўйича бўлинмалар ва мутахассислар бўлиши кўзда тутилсин.

Қўшинларнинг кундалик турмушида юксак ҳушёрлик, барча мансабдор шахсларнинг, ўз қарамоғидагиларнинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати ва шон-шарафини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги ўз вазифаларини бекамукўст бажаришлари таъминлансин.

2. СССР Мудофаа министрлиги, СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети ҳарбий хизматни ўташ масалалари юзасидан тайёрланаётган қонун ҳужжатларининг лойиҳаларида ҳарбий хизматчилар шахсининг дахлсизлиги ҳуқуқий кафолотларини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўзда тутсинлар.

3. СССР Министрлар Совети ҳарбий хизматчиларга, шунингдек ҳарбий хизмат ёшидагиларга улар армияга чақирилган вақтда, хизмат вазифасини бажариш даврида бошқа шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари сабабли ҳалок, майиб бўлган ёки соғлиғини йўқотган, ҳарбий хизматни ўташ чоғида бахтсиз ҳодисаларга ёки касалликларга учраган тақдирда мажбурий давлат шахсий суғуртасини жорий қилиш тўғрисидаги масалани 1991 йилнинг 1 январига қадар ҳал этиб берсин. Шунга асосланилсинки, суғурта СССР Мудофаа министрлиги, СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети, СССР Транспорт қурилиши министрлиги бошқа министрликлар ва идораларнинг маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

4. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги зиммасига машқлар, қўшинларнинг жойини ўзгартириш, махсус топшириқларни бажариш чоғида ва бошқа вазиятларда шикастланган ҳарбий хизматчиларга ҳарбий тиббий муассасалар ёрдам бера олмаган тақдирда шошилинч тиббий ёрдам берилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. СССР Олий Советига ҳарбий бошқарув мансабдор шахслари ва идораларининг устав муносабатларидан четга чиқадиган ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва шахсий қадр-қимматини камситадиган ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлари хусусида «Давлат бошқарувн идоралари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний ҳаракатлари хусусида судга шикоят қилиш тартиби тўғрисида»ги 1989 йил 2 ноябрь СССР қонунига мувофиқ ҳарбий трибуналларга шикоят қилиш ҳуқуқини ҳарбий хизматчиларга бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш таклиф этилсин.

6. СССР Прокуратураси ҳарбий хизматчиларнинг ҳелокатида, майиб бўлишида ёки соғлиғини бошқа тарзда йўқотишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни зудлик билан ҳал қилсин. СССР бош прокурори ҳарбий фаолият соҳасидаги ҳавфсизликни таъминлашга оид қонунларнинг ижросини назорат қилиш юзасидан ҳарбий прокуратуранинг фаолияти устидан шахсий назоратни кучайтирсин.

7. СССР Олий Советига СССР Мудофаа министрлиги, СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети, бошқа министрликлар ва идораларнинг ҳарбий хизматчилар конституцион ҳуқуқларига риоя этилиши, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишини кучайтириш юзасидан кўраётган чора-тадбирлари самарадорлигини мунтазам назорат қилиб туришни уюштириш тавсия этилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Гўшт—барқарор нархларда

Бозорларда қўй ва қорамолларнинг қимматлашиб кетганлиги аҳолини гўшт билан таъминлашни мураккаблаштирмоқда. Қўқон шаҳар ижроия комитети кооператив савдо идораси билан биргаликда гўшт етиштиришни кўпайтириш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқди.

Боқишни истеъмолчиларнинг барчаси учун чорва моллари ажратиб бериш шундай тадбирлар жумласидандир. Кооператив савдо идораси уй фермаларини озуқа билан таъминлаб туришни ўз зиммасига олди. Бунинг устига шундай онланинг ҳеч қаерда ишламайдиган аъзоларидан бири учун кооператив савдо идораси меҳнат дафтарчаси очиб, унга маош тўлайди. Ҳозирнинг ўзида ўнлаб ана шундай мол боқаётган хонадонлар мавжуд.

Шаҳар гўшт дўконларида ҳозир қатъий нархлар белгиланган. Бу нархлар кооператив савдо идораси билан шаҳар ижроия комитети бераётган қарзлар ҳисобига бир меъёрда ушлаб турилибди.

РСФСР КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ТАЪСИС СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТУГАЛЛАДИ

РСФСР Коммунистик партияси таъсис съездининг иккинчи босқичи иши 1990 йил 6 сентябрда Москвада, Кремлдаги съездлар саройида давом этди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитетининг котиби Ю. А. Манаенков раислик қилди.

Делегатлар РСФСР Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссияси таркибига сайлов натижалари тўғрисида саноқ комиссиясининг раиси И. П. Воробьев ахборотини тингладилар. Съезд саноқ комиссиясининг протоколларини, шунингдек РСФСР Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссияси таркибини тасдиқлади.

И. К. Полозков сўнгги вақтда РСФСР Компартиясига ва Компартия Марказий Комитетининг биринчи котибига ғаразли ҳужружлар авж олиб кетгани хусусида ўзининг принципиал позициясини баён қилиб берди.

Сўнгра съездда яна асосий маърузага доир музокаралар бошланди. Мажлисда: Россия коммунистлари ташаббускор съезди номидан— Ленинград университетининг профессори М. В. Попов, КПССдаги демократик ҳаракат дастури ислоҳотчи коммунистлари номидан— КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти шўба мудири В. С. Липицкий, КПССдаги марксча ҳаракат дастуридан — Москвадаги «Тезлик» заводи конструкторлар гуруҳининг бошлиғи Ю. Н. Егоров, «Коммунистик ташаббус» ёшлар ҳаракати ташкилот комитетидан — Горький давлат университетининг доценти А. В. Золотов, Россия партия конференцияси тайёргарлик комитетининг раҳбари — Кубань давлат университетининг кафедра мудири И. П. Осадчий, Мурманск вилоятидаги «Апатит» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети котибининг ўринбосари В. С. Зайцев, Вологда вилоят КПСС Великий Устюг шаҳар комитетининг биринчи котиби В. М. Калясин, Татаристон АССР Буғулма районидаги 6-ўрта мактаб директори В. В. Парфенов, Ростов вилоятидан ёзувчи А. В. Калинин, Украина Компартияси Марказий Комитетининг котиби В. Е. Острожинский сўзга чиқдилар.

Музокаралардан сўнг И. К. Полозков тушган саволларга жавоб қайтарди.

Съезд КПСС XXVIII съезди қарорларини маъқулловчи қарор қабул қилди ва РСФСР Компартиясида референдум ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлади.

Съезд шу билан ўз ишини тугаллади.

ОЛИМЛАР КАСАБА УЮШМАСИ ТУЗИЛДИ

Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси бўлинмаларидаги ходимлар касаба уюшмасининг таъсис съезди бўлди. Унинг қатнашчилари жумҳурият янги оммавий жамоат ташкилотининг жумҳурият комитетини сайладилар. Жумҳурият фанлар академияси касаба уюшмаси ходимлари бирлашган комитетининг раиси бўлиб ишлаган И. Ҳ. Абдуғаниев комитетнинг раиси этиб сайланди.

Съезд қатнашчилари агар Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тузилиган бўлса, янги касаба уюшмасининг унга киришини ёқлаб гапирдилар. Ўзбекистон касаба уюшмалари XIV съездига делегатлар сайланди.

(ЎзТАГ).

ХЎЖАЛИКЛАР УЧУН ҲАМ, ТЕРИМЧИЛАР УЧУН ҲАМ ФОЙДАЛИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори билан бу йилги мавсумдан бошлаб пахта теримида теримчилар ва механизаторлар меҳнати учун тўланадиган ҳақ оширилган. Бу, шак-шубҳасиз, колхозчилар ва совхозлар ишчиларининг ҳосилнинг ўз вақтида ва сифатли териб олинишидан манфаатдорлигини оширади. Бироқ жойларда бу қарор кўпинча бажарилмаяпти. Хўжаликларнинг раҳбарлари теримчилар меҳнати учун тўланадиган ҳақнинг оширилиши корхона иқтисодиётига зарар келтиради, деб чўчимоқдалар.

Шундаймикан? Меҳнат учун янгича ҳақ тўлашга ўтишда қандай муаммолар пайдо бўлаяпти? Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетида бўлиб ўтган амалий учрашувларда шу масалалар муҳокама қилинди. Бу ерда идораларнинг, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, бригада бошлиқлари ва ижарачилар тўпланишди. Суҳбатни жумҳурият қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети раисининг ўринбосари Ш. Ю. Абдуллаев олиб борди.

— Бу йилги қулай об-ҳаво шароитлари туфайли ғўза эрта етилди, — деди у ўзининг кириш сўзида. — Жуда яхши ҳосил етиштирилди. Энди энг асосийси — уни тез ва нобуд қилмасдан териб олишдир. Ҳукуматнинг теримчилар меҳнатини рағбатлантирувчи қарорида айни шу мақсад кўзланган. Ҳаммага маълумки, бундан буён қўлда терилган бир килограмм пахта учун 25 тийиндан, машинада терилган бир тонна пахта учун эса 10 сўмдан тўлашга қарор қилинган.

Биз сизларни ҳукумат қарорини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашиб олиш учун таклиф қилдик. Гап шундаки, жойларда банк ходимларининг район ва вилоят деҳқончиликсаноат уюшмалари, шунингдек колхозлар ва совхозлар раҳбарлари ва мутахассисларининг дарҳол аралашувини талаб қилувчи баҳслар ва англашилмовчиликлар келиб чиқмоқда. Умид қиламанки, шу ташкилотларнинг бу ерда тўпланган вакиллари бизга вужудга келаётган вазиятни тушуниб олишда ҳамда бу ишни такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқишда ёрдам беришади.

Ю. МАНСУРОВ, жумҳурият Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг бош мутахассиси:

— Ҳукумат ўтган йилиёқ пахтанинг харид нархларига қўшимча устама ҳақлар белгилаган эди. Бу қарор хўжаликларнинг иқтисодиётига яхши таъсир қилди, албатта. Хўжаликлар ўз йўлига, лекин энг асосийси — бу одамлар. Колхоз миллионерга айланиши мумкин, унинг аъзолари эса чор-ночор кун кечиришда давом этаверишади.

Шундай бўлмаслиги учун, ажратилган пуллар хўжалик кассасида чанг босиб ётмасдан, тўппа-тўғри далада меҳнат қилаётганлар чўнтагига тушиши учун жумҳурият ҳукумати қўшимча маблағнинг 70 фоизи иш ҳақи фондига ўтиши лозим деб қарор чиқарди. Токи пахта теराётган одамлар бу ишни тез ва сифатли бажаришдан манфаатдор бўлсинлар. Бироқ айрим раҳбарлар кўрқиб кетишди: ҳаммасини тарқатиб юборсак хўжаликка нима қолади?

Нотиқлар сўзини бир дақиқа тўхтатиб туриб, аниқ рақамларга мурожаат қилайлик. Агар 1989 йилда пахтанинг харид нархлари 1—2 навли бир тонна пахта учун ўртача 850 сўмни, учинчи нав учун эса 400 сўмни ташкил этган бўлса, бу йилдан бошлаб бир тонна пахтанинг ўртача харид нархи 1630 сўмни ташкил этади. Агар бу йил беш миллион тонна пахта терилса, колхозлар ва совхозлар қўшимча 800 миллион сўмдан кўпроқ пул оладилар.

Бу йилга қадар, пахта теришнинг қийинлигига қарамай, қўлда терилган бир килограмм пахта учун 11 тийин ёки унинг бир тоннаси учун 110 сўм тўланарди. Машинада терилган бир тонна пахта учун эса механизатор 4 сўм оларди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, пахтани сотишдан тушадиган даромад кўпайиши билан 1989 йилдан бошлаб пахтачиликдаги меҳнатнинг барча турлари учун тариф разрядлари ўртача 25 фоиз ошди.

Ўтган йили теримчиларга бир килограмм пахта учун 20 тийиндан, механизаторларга эса бир тонна пахта учун 10 сўмдан ҳақ тўлаш тавсия этилган эди. Бироқ айрим хўжаликларнинг раҳбарлари одамлар ҳақидан уриб қолиб, маблағни тежашга қарор қилдилар ва бу тавсияларни бажармадилар. Жумҳурият бўйича қўлда терилган бир килограмм пахта учун ўртача 15 тийин, машинада терилган бир тонна пахта учун эса 8 сўм пул тўланди.

Энди эса тўланадиган ҳақни янада ошириш таклиф қилинди. Бундай қилиш хўжаликларнинг иқтисодиётига путур етказмасмикан?

Асло. Бунинг учун қўшимча харажатлар атиги 300 миллион сўмни ташкил этади. Умумий қўшимча даромад эса, ёдимизда бор, 800 миллион сўмга тенг. Яъни колхозлар ва совхозлар кассаларида яна камида ярим миллиард сўм қолади.

Энди эса яна нотиқлар сўзига қулоқ солайлик.

М. НИШОНОВ, Оққўрғон районидаги Сегизбоев номли совхознинг бош иқтисодчиси:

— Бу йил бизда 3214 гектар ерга чигит экилган. Ҳар бир гектар ердан 29 центнердан, ҳаммаси бўлиб эса 9328 тонна пахта олиш режалаштирилган. 1—2 навли пахтанинг ҳар бир тоннаси учун 210 сўмдан, учинчи навли пахтанинг ҳар бир тоннаси учун эса 120 сўмдан қўшимча даромад олинади. Ҳаммаси бўлиб пахтачилик хўжаликка қўшимча бир ярим миллион сўмдан кўпроқ даромад келтиради.

Энди эса келинг, иш ҳақи учун қилинадиган харажатларни ҳисоблаб кўрайлик. Қўлда терилган 2799 тонна пахта учун режалаштирилган миқдорга қўшимча равишда 279,8 минг сўм сарфланади. Машинада терилган 6529 тонна пахта учун планда белгиланган 32,6 минг ўрнига 65,2 минг сўм сарфлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, пахтани юклаш ва туширишда, қуритиш учун планга қўшимча равишда 20 минг сўм тўлаш кўзда тутилмоқда. Ердан терилган пахтани хас-хашак ва тупроқдан тозалаш билан шуғулланувчи ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш учун 30 минг сўм сарфланади. Пировард натижада барча қўшимча харажатлар 390 минг сўмни ташкил этади.

Ҳаммаси бўлиб эса биз иш ҳақи учун 1051,4 минг сўм сарфлаймиз. Демак, кассада яна 516 минг сўм қолади, совхоз бу пулларни ижтимоий соҳани ривожлантиришга — мактаблар, ҳаммомлар ва спорт комплекси қуриш учун сарфлайди.

Ш. Ю. АБДУЛЛАЕВ:

— Теримчилар иш ҳақини оширишда ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги лозим. Банк бунга тайёрмикан, ахир пул муайян ҳужжатлар асосида бериладику?

М. НУРМАМАТОВ, жумҳурият деҳқончилик-саноат банки қишлоқ хўжалиги бўлимининг бошлиғи:

— Ҳа, тайёр. Вилоят бўлимлари раҳбарлари иштирокида биз банк ходимларининг пахтакорларни нақд пул билан ўз вақтида таъминлаш учун масъул эканликларини таъкидлаб, ҳукумат қарорини оғишмай бажаришга йўналтирилган тадбирлар тайёрладик.

Пахтакорлар иш ҳақининг оширилиши хўжаликларга зарар келтирмайди. Аксинча, бу пахтакорларнинг моддий фаровонлик даражасини оширади. Жойлардаги деҳқончилик-саноат банклари хўжаликларнинг ҳисобчи ходимлари билан биргаликда теримчиларга ҳар беш-ўн кунда нақд пул тўлаб туриш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Буни таъминлаш учун колхозлар ва совхозларнинг ҳисобида маблағ бўлиши лозим. Агар хўжаликларда маблағ бўлмаса уларга қарз бериб туриш кўзда тутилган.

Давра суҳбати анча вақт давом этди. Нотиқларнинг фикри бир жойдан чиқди: ҳукумат қарори ўз вақтида қабул қилинган ва хўжаликлар манфаатларига ҳеч қандай зарар етказмайди. Айни пайтда у ҳосилнинг тез ва сифатли йиғиб олинишига ёрдам беради.

Ю. БОНДАРЕНКО,
П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

ШОТУТДАН МУРАББО

Консерва саноати Бутуниттифоқ илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанд тажриба заводи шотут меваларидан мураббо тайёрлай бошлади.

У тащқи кўринишги ва қуюқ-суюқлиги жиҳатидан қулупнай мураббосини эслатади. Лекин унинг шифобахш хусусиятлари қулупнайникига қараганда анча кўп. Ибн Сино замонларидан бери бу мазали ва шифобахш мураббони қон босимини пасайтиришда ва асабларни даволашда истеъмол қилинади. Айни вақтда у чанқоқни қондириди ва уни истеъмол қилган кишининг чеҳрасига қон югуради.

Шотут мураббосининг дастлабки 15 минг дона шартли банкаси тайёрлаб қўйилди. Улар тез орада фақат Самарқандда эмас, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам сотила бошлайди.

ИҚТИСОДИЁТ ЖАБҲАСИДА

ХОНАДОНЛАРГА «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

Избоскан район газлаштириш идораси ҳузурида ташкил этилган «Зангори олов» фирмасининг ходимлари аҳолининг истиқомат жойларидаги газ қувурлари тармоғини йил охиригача эллик километр узайтиришга қарор қилдилар.

Илгари район хўжаликларида газ қувурлари тармоғи йилига атиги икки-уч километр узаярди. Бунинг сабаблари оддийгина эди: ҳали қувур етишмайди, ҳали техника, ҳали мутахассислар йўқ, деб баҳона қилишарди... Энди эса аҳвол кескин ўзгарди. Чунончи, фирма ходимлари «Ленинград» колхозигача 18 километрли газ қувурини ётқиздилар, ушбу хўжаликдаги ўрта мактаб ва болалар боғчалари газлаштириб бўлинди.

«Зангори олов» фирмасида малакали мутахассислардан иборат учта ишлаб чиқариш бригадаси бор, лекин ҳамма буюртмаларни бажаришга уларнинг кучи етмайди. Шу сабабли фирма янги ходимларни — асосан ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаб келган йигитларни ишга жалб этмоқда. Тажрибали мураббийлар А. Э. Ибоев, А. Қурбонов, Г. Сим, М. Абдумўминов раҳбарлигида ёшлар маҳорат сирларини ўрганишмоқда. «Зангори олов» фирмасига келган янги ишчилардан яна битта бригада тузилади ва у «Ўзбекистон» колхози ҳудудида жойлашган қишлоқларни газлаштириш билан шуғулланади.

ХАЙРЛИ ИШ

«Узпишчепромтранс» бирлашмасининг Самарқанд районидаги учинчи автокорхонаси ходимлари ўз йиғилишларида ишлаб топилган фойданинг бир қисмини вилоят «болалар жарроҳлиги» илмий-ўқув ва даволаш маркази ҳисобига ўтказишга қарор қилдилар. Автомобилчилар мазкур муассасани ривожлантиришга беш минг сўм пул беришди.

— Ҳаммамизнинг фарзандимиз бор, лекин ҳеч ким болам касал бўлмайди, деб айта олмайди, — дейди автокорхона директори Б. Зубайдуллаев. Шу сабабли шифокорларга ёрдам беришга аҳд қилдик. Қарийб икки йилдан буён тўла хўжалик ҳисобида ишлаяпмиз.

— Мунтазам равишда фойда оляпмиз, у корхонани ривожлантириш жамғармасига, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга сарфланмоқда. Ўйлайманки, бу бизнинг шифокорларимизга кўрсатган охирги ёрдамимиз эмас.

Янги шароитда ишланган икки йил учинчи автокорхона учун оқилона хўжалик юритишда яхши мактаб бўлди. Тўғри, бор имкониятни ишга солиб, меҳнат қилиш ҳаммага ҳам ёқавермади, чунки баъзилар ишга шунчаки келиб-кетишга ўрганиб қолган эди. Кимлардир кетиб қолди, бошқалар эса энг яхши автомобилчиларнинг тажрибасидан фойдалана бошладилар. Натижада Самарқандлик автотранспортчилар йилнинг саккиз ойлик дастурини муваффақиятли бажардилар. Улар юзлаб литр тақчил ёқилғи ва бир неча минг сўмлик эҳтиёт қисмларни тежаб қолдилар.

ҒАМХЎРЛИК

«Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимларидан бир неча юз киши қўшимча равишда бепул овқатланадиган бўлди. Маъмурият, касаба уюшмаси комитети ва меҳнат жамоаси кенгаши шундай қарор қабул қилди.

Булар асосан жуда оғир иш билан банд бўлган ходимлардир. Улар орасида жўваловчилар, шиббаловчилар, резина аралаштирувчи машиналарни юргизувчилар, аппаратчилар бор.

—Кўпчилик бозор муносабатларига ўтилиши билан нарх-наво яна ошиб, турмуш кечириш қийинлашади, деб ўйламоқда, — дейди бирлашма касаба уюшмаси комитетининг раиси В. Водопьянов. — Бизнинг эса фикримиз бошқача. Бозор ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйиши лозим. Бу ўринда меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан албатта ҳимоя қилиш керак. Ишчиларни бепул овқатлантириш — бирлашма ижтимоий дастурининг бандларидан бири. Бу анча катта маблағ корхона ишлаб топган фойдадан олинди.

«Узбекрезинотехника» бирлашмасида ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга оид бошқа масалалар ҳам ҳал этилмоқда. Корхонани таъмирлаш билан бирга, унинг цехларида янги маиший хоналар қурилмоқда, кўпгина ишчилар бирлашма жамғармаларидан ўз маошига қўшимча ҳақ олмоқдалар.

Озиқ-овқат дастури бўғинлари

ОҲАНГАРОН ТЕГИРМОНИ

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлигининг энг пешқадам корхоналари ҳақида гап борганда Оҳангарондаги комбинат биринчилар қаторида тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Ушбу меҳнат жамоаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, технологияни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасида йилдан-йилга қувончли натижаларга эришиб келаяпти. Шунинг учун ҳам корхона саккиз марта Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилди. 1988, 1989 йилларда комбинат меҳнат жамоаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши, Узсовпроф ва Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофотларига сазовор бўлди.

Хўш, пешқадам корхона ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари ўн иккинчи беш йиллигининг якунловчи йилида қандай меҳнат қилмоқдалар? Бу йилги техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳам қувончли бўлмоқда. 1990 йилнинг дастлабки етти ойида 76 минг 600 тонна чорва озуқаси ишлаб чиқариш режалаштирилган эди. Комбинат меҳнат жамоаси шу муддатда 82 минг 100 тонна ем жўнатди.

Корхона ишчи-хизматчилари кунига 400 тонна ун тайёрлашни ўзларига иш мароми қилиб олганлар. Агар шу кўрсаткич бирмунча камайтирилса, айрим жойларда ун таъминотида қийинчиликлар рўй беришини улар жуда яхши ҳис этишади. Омихта ем ишлаб чиқариш — комбинат фаолиятининг асосий бўғинларидан бири. Жумҳуриятимизнинг саноат негизидаги йирик чорвачилик комплексларида, бўрдоқичилик хўжаликларида ишнинг аҳволи кўп жиҳатдан мазкур корхонадан аралаш озуқанинг етарлича ва ўз вақтида етказиб берилишига боғлиқ. Тошкент вилоятидаги «Ғаллақудуқ», «ВЛКСМ 50 йиллиги», «Сергели», «Красний водопад» сингари йирик чорвачилик хўжаликлари, Сирдарё, Бухоро вилоятларидаги бўрдоқичилик бўлинмалари мазкур комбинатдан омихта ем олишади. Биз ҳикоя қилаётган меҳнат жамоаси 1990 йилда 98 минг тонна аралаш озуқа тайёрлашга азм қарор қилган. Дастлабки етти ойлик кўрсаткичлар бу марра ошириб адо этилишидан дарак бериб турибди. Шу даврда 62 минг 300 тонна омихта ем ишлаб чиқариш режалаштирилган эди. Корхона ишчи-хизматчилари 65 минг 300 тонна озуқа тайёрлашга муваффақ бўлдилар.

Дончиликка ихтисослашган хўжаликлар билан комбинат ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, режалаштирилганидан бир тонна зиёд ғалла топширган совхозларга кўзда тутилганидан 1.300 килограмм кўп аралаш озуқа берилиши белгилаб қўйилган. Масалан, бу йил «Ғаллақудуқ» совхози 200 тонна ўрнига 230 тонна дон топширди. Бу хўжалик ҳар тонна ортиқча ғалла учун қўшимча равишда 1,3 тоннадан омихта ем олиш имкониятига эга бўлди. Ана шундай рағбатлантириш ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликларда чорвачиликни ҳам ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундай қувончли натижаларга қандай омиллар эвазига эришилмоқда, деган савол туғилади. Комбинатда энг аввало инсон омилига алоҳида эътибор берилаётганлигини таъкидлаш зарур. Кейинги бир ярим йилнинг ўзида 20 дан ортиқ оила янги уйларга кўчиб чиқди. 30 га яқин хонадонга якка тартибда уй-жой қуриб олиши учун ер берилди. 25 нафар ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходим эса дала ҳовли билан таъминланди. Шахсий уй қуриш истагини билдирган 20 оилага 1,5 минг сўмдан 8 минг сўмгача имтиёзли шартлар билан қарз берилди. 1991 йилда 10 та коттеж қуриш режалаштирилган. Кўп йиллардан бери уй-жой масаласи билан жиддий шуғулланиб келинаётганлиги туфайли ҳозирги пайтда комбинатда ўзларининг яшаш шароитларини яхшилаш ниятида бўлган 20 нафар ишчи-хизматчигина навбатда турибди.

Ишчи-хизматчилар ва инженер-техник ходимлар унумли меҳнатдан сўнг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Катта дам олиш маскани вужудга келтирилганлиги, кашшофлар таътил пайтида ҳордиқ чиқарадиган жой ташкил этилганлиги бунинг яққол далилидир. Келажакда маданий-маиший муассасалар тармоғини янада кенгайтириш, ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш юзасидан кўплаб тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Комбинат директори Зайниддин Мусаев Ўзбекистон ССР халқ депутати этиб сайланганлиги бежиз эмас. У ҳозирги пайтда жамоатчилик ишончини оқлаш учун ободончилик ишларини янада кучайтирмоқда, одамларга ғамхўрлик қилиш борасида ибратли тадбирларни амалга ошираяпти.

Комбинатда ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, ходимлар гўшт, сут билан таъминланаётганлиги амалий ишлар натижасидир. Ҳозирги пайтда бу ерда 115 бош қорамол, 300 бош қўй, 250 та курка боқилмоқда. Ёрдамчи хўжаликни Қўчқор ака Ҳайитқулов ижарага олган. 1990 йилнинг дастлабки етти ойида ушбу бўлинмадан ишчи-хизматчиларга 12 тонна гўшт, 53 тонна сут сотилди. Ҳар бир ходим ҳисобига 36 килограммдан гўшт етиштирилганлиги ёрдамчи хўжалик учун яхши кўрсаткичдир. Бу натижани йил охиригача 40 килограммга етказиш режалаштирилган. Ишчи-хизматчиларга гўшт 2,5 сўмдан, сут эса 28 тийиндан сотилаётганлиги ёрдамчи хўжалик катта наф бераётганлигини яна бир карра тасдиқлайди.

— Меҳнат жамоамиз озиқ-овқат дастурининг муваффақиятли бажарилишига ўз ҳиссасини қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқда, — дейди комбинат директори Зайниддин Мусаев.— Ризқ-рўзимиз бўлган донни тегирмондан сифатли ўтказиш, унинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик, сифатли ун тайёрлаш ва халқимизга етказиб бериш асосий вазифамиз ҳисобланади. Биз ҳар йили 126 минг ўрнига 130—132 минг тоннага етказиб ун ишлаб чиқаришга муваффақ бўлаяпмиз. Барча техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашда биринчи тегирмон смена бошлиғи Эркин Мусурмонов, ишлаб чиқариш-технология лабораторияси бошлиғи Луиза Шин, унинг ҳамкасби Шаҳло Дадаева, жонкуяр ходимларимиздан Эмма Ким, Саида Дарвишева ва бошқа кўплаб илғорларимиз алоҳида намуна кўрсатаяптилар. Улар технологияни такомиллаштиришда, маҳсулот сифатини янада яхшилашда ҳамкасбларига ўрнак бўлишаяпти.

Дарҳақиқат, комбинатда эришилаётган натижалар тобора яхшиланиб бораяпти. Оҳангарон тегирмони зардбор тармоқнинг байроқдори эканлигини ҳар бир соҳада намоён этмоқда.

С. САЙДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Лабораториянинг жонкуяр ходимларидан Шаҳло Дадаева.

Ишлаб чиқариш жараёнларидан бирида.



Комбинат директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати Зайниддин Мусаев, ишлаб чиқариш-технология лабораторияси бошлиғи Луиза Шин ва 1-тегирмон бошлиғи Йўлдош Камолиев фикр алмашмоқдалар.

Ризқ-рўзимиз шундай улкан омборларда сақланади.

Ёрдамчи хўжаликни ижарага олиб, қувончли натижаларга эришаётган Қўчқор Ҳайитқулов.

Қорамолларни озиқлантириш пайти.

Б. АЛИМОВ олган суратлар.

ҚЎШИМЧА ҲАҚ ТЎЛАШ

Янгиердаги «Голодностепирмонтаж» трестига қарашли механизациялаштирилган ишлар махсус бошқармасининг асосий базасида электр цехи ва вулканизация камераси ишга туширилди. Ремонт қилиш цехи ва омборхоналар ҳам анча янгиланди. Ишчилар ошхонасининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Тез орада эса душхоналари бўлган сауна ва жуда яхши жиҳозланган дам олиш хоналари ишлай бошлайди.

Меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш — корхона даромадининг бир қисми сарфланаётган асосий йўналишлардан биридир. Ваҳоланки, атиги тўрт йил муқаддам, Валентин Молчанов раҳбар бўлиб келгунича бу ишлар ҳақида ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Молчанов ўз ҳамфикрлари билан бирга ишни нимадан бошлади? У ишни бутун хўжаликни тафтиш қилиб чиқишдан, ишчи ўринларини аттестациядан ўтказишдан, бошқарув аппарати ходимлари маошини қайта кўриб чиқиб, қисман ўзгартириш ва уни деярли 40 фоиз қисқартиришдан бошлади.

Меҳнат учун ҳақ тўлаш системаси пухта ўйлаб чиқилди ва трестда биринчилардан бўлиб ҳайдовчиларга қанча масофага қанча юк ташиганига эмас, балки қанча юк ташиш учун қанча вақт сарфлаганига қараб ҳақ тўлай бошланди. Бу эса қўшиб ёзишлардан қутулиш имконини берди. Яхши ва аъло даражада бажарилган иш учун 15—30 фоиз қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилди. Энди эпчиллар эмас, балки малакали ва ҳалол ходимлар кўпроқ пул топишаяпти.

Ишларнинг боришидан кўриниб турибдики, бу йил жамоа деярли икки миллион сўмлик иш бажаради, бу эса топширикда белгиланганидан ярим миллион сўм кўпдир.

МАҲСУЛОТ КЎПРОҚ БЎЛИШИ МУМКИН

Гулистон консерва заводининг филиали бўлган «Ширин» жамоаси бу йилги меваларни қайта ишлай бошлади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот — вино, узум ва олма шарбатлари бу ердан идишларга қуйиш учун вилоятдаги консерва заводларига ва Янгийўл вино заводига жўнатилмоқда.

Бу ерда чиқитсиз технология асосида ишланмоқда. Масалан, узум уруғи қайта ишлаш учун Қўқон ёғ-мой комбинатига жўнатилади, турпи эса молларга берилади.

Афсуски, гарчи Ховос районидаги қўшни хўжаликларда хом ашё етарли бўлсада, мана неча йилдирки, корхона қувватларидан тўла фойдаланилмаяпти. Бунинг сабаби ҳосилни териб олиш учун одамлар етишмаётганидадир. Натижада ҳосилнинг анчагина қисми териб олинмай нобуд бўлаяпти.

(ЎзТАГ).

Муаммо кўндаланг қўйилади

СОЯДА ҚОЛГАН МУНИС ОНАЛАР

Эшик очганимда, ранги оқаринқираган, ҳориган, узоқ қариндошимни кўрдим. Ҳаммамиз билан бирма-бир саломлашгач, ҳолсизгина кўрпачанинг четига чўкди.

— Одам шунчалик кўпки, шаҳарга етгунча тик туриб келдим, — деди у чуқур хўрсиниб, — Бунинг устига автобусдан тушаётганимда назоратчи ҳафа қилди. Гўё ўғринча келаётган эмишман. Шофёр қурмагур патта бермасдан ҳар бекатда тушаётганда йиғиштираётганди.

— Ахир нега сиз пул берар экансиз? Гувоҳномани кўрсатмадингизми? — жаҳлим чиқиб сўрадим.

Қариндошим саволимга ҳайрон бўлгандек бир зум анграйиб қолди.

— Қаҳрамон оналардан йўл кира олишмайдими?

Соддадиллигимиз бор бўлсин! Икки карра икки тўртни билмаганимиздек оддийгина шу ҳақиқатни ҳам одамларимиз тушуниб етмаган. Улар айбдор эмас. Қишлоқ Советида катта-катта маош олаётган амакилар, социал-таъминот бўлимларида столни банд қилиб ўтирган ходимлар ушбу имтиёзлар ҳақида ўргатмоқлари лозим!

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўн икки фарзандли қаҳрамон она яшаётган хонадонга кириб келганимизда қиш забтига олган чилла эди. Табиий газ йўқ, кўмир анқонинг уруғи. Гўзапоядан чиққан олованинг тафти ярим соатга етиб-етмай диган сандал атрофида болалар қалдирғочлардек қаторлашган. Бу аҳволда улар қачон ва қай аҳволда дарс тайёрлашади? Шундай совуқда нав-ниҳол кичкинтойларнинг шамоллаб, касалликка чалинмаслигига ким кафолат бера олади? Ахир биз қандай мажлис ёки йиғилиш ўтказсак ёшларни соғлом, баркамол, ақлан етук инсонлар сифатида тарбиялаш юзасидан лоф урмаймизми?

— Улуғ Ватан уруши қатнашчилари қатори қаҳрамон оналар ҳам йилига камида 2 тонна кўмир билан таъминланиши керак. Олмадингларми?

Ширмоной опа саволимга тушунмай тикилиб қолди.

Андиша, кўникувчанлик, борига шукр қилиш фақат аёлларгагина эмас, кўпинча биз эркакларга ҳам хос кайфият бўлиб қолмоқда. Нега халқ депутатлари район ва шаҳар Совети ижроия комитетларига бориб ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилмаймиз? Ҳукуматимиз томонидан салгина бўлса-да, яратиб берилган имтиёзлардан ҳам фойдалана билмаймиз? Ўз ҳузуридан бошқасини ўйламайдиган, аслида халққа бу имтиёзларни тушунтириши лозим бўлган масъул ходимлар нима учун идора очиб ўтирибдилар? Кошки навбатсиз кўмир олиш ҳуқуқини билмаган ёлғиз Ширмоной опагича бўлса!

Қаҳрамон оналарга яратиб берилган имтиёзлар ҳақида социал-таъминот бўлимида ишлайдиган бир ходим шундай деганди:

— Улар учун бениҳоя катта ғамхўрлик қилиняпти. Енгил машина ва қурилиш материаллари олишда ҳам имтиёз бор. Сафар маҳалида патта навбатсиз сотилади.

Ҳозир ошкоралик, қайта қуриш даври. Оқни оқ, қорани қора дейиш гуноҳ саналмайди. Кемтикларимизни бўяб кўрсатиш замони ўтди. Шу жиҳатдан олганда пулга навбатсиз бериладиган автомобилнинг Ширмоной опа оиласига кераги борми? Ахир эр-хотиннинг бир ойда топгани 200 сўмга етиб-етмагани ҳолда 12 ўғил-қизни боқиб-кийинтириб тагин қанақасига енгил машина учун пул жамғара олсин. Оила бошлиғи кўз бойлоқчидан устамон бўлгандаям бунинг иложини топиш қийин. Бунинг ўрнига колхозчи қаҳрамон оналар нафақасини ошириш масаласини ўйлаб кўрилса бўлмайдими!

Машинани навбатсиз олиш масаласи эса... Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Турсунали Раҳмонов узоқ йиллар Норин районидаги Калинин номли колхозда меҳнат қилиб пенсияга чиқди. Унинг умр йўлдоши Ҳабибахон опа ҳам қаҳрамон она. Болалари вояга етишган. Уй-жойлари етарли. Айвонда чойшаб ёпилган енгил машина — «Москвич».

— 1981 йилда ариза ташлагандим. Уч йилда аранг етишдик, шунисигаям шукр, — дейди Турсунали Раҳмонов. — Ваҳоланки, бу оила машинани навбатсиз олишга ҳақли.

Маҳбуба Деҳқононанинг ҳам ўн фарзанди бор. У ҳам шу колхозда яшайди. Кенжаси Майрамхон 8-синфда ўқияпти. Оиладан врач ҳам, ўқитувчи ҳам чиққан. Колхозчи, ишчи ҳам бор. Маҳбуба опа билан узоқ фурсат гаплашдик. Уйи бошқаларникидан фарқ қилмайди. Ғувалакдан қилинган оддийгина иморат. Ўғилларидан бирини уйлантирган, иккинчиси ҳам вояга етаяпти.

— Қишлоқ Советидагилар шифер ва бошқа қурилиш материалларидан ёрдам беришса, биронта уй тикларди. Янги келинга жой йўқ.

Маҳбубахон опанинг сўзларини тинглайман-у дастлабки гаплашганим — қаҳрамон она Ширмоной Мазантова хонадонидан олган таассуротим кўз ўнгимда гавдаланади. Айвон шифтидаги фанер тахталари ёрилган. Деворлар нураган, умуман, турар-жой жиддий таъмирга муҳтож. Моддий камқувват, кўп болали оналарга турар-жойлар ремонтига кўмак бериш учун колхозлар, совхозлар қачон киришар экан? Бусиз ҳам хўжаликларнинг қанчадан-қанча маблағи ўринсиз сарфланмоқда. Нокерак харажатлар йўли тўсилса-ю келажагимиз учун, инсон камолоти учун асқотадиган соҳаларга ишлатилса.

Қаҳрамон оналарнинг гўшт, сариёғ, ун, совун, қалиш ва бошқа тахчил маҳсулотлар олишмаётганликлари оқибатида шикоятлар оқими ортиб бораётганлиги бизни, район социал-таъминот бўлими раҳбарларига мурожаат қилишга мажбур қилди.

— Дарҳақиқат, улар ҳақ, — жавоб қайтаришади бизга социал-таъминот бўлимидагилар. — Сизлар танишган Тўда қишлоқ Советида 60, умуман, район миқёсида 300 га яқин қаҳрамон она бор. Улар учун гўшт, сариёғ, туҳум фонди ажратиш юзасидан қилган ҳаракатларимиз натижа бермаяпти. Ва район, на область план бўлимлари бу муаммони ҳал қилмаяптилар.

Мана, эшитганингиздай, қаҳрамон оналарга унчалик бахт қулиб боқмаган. Ажабо, районларда чорвачилик маҳсулотлари бўйича планлар мунтазам ошириб бажарилаяпти. Қолаверса, турли тармоқлар бўйича топшириқлар уддаланаяпти. Нега энди ўз меҳнатимиз самарасини ўзимиз кўрмаймиз? Қуруқдан қуруқ медални шалдиратиб тақиш билан жамиятимизда эъзозга лойиқ бўлмоғи лозим ҳисобланган қаҳрамон оналар ҳурматини жойига қўя олмаётирмиз-ку! Сояда қолиб кетаётган бу мунис-муштипарвар қадрига қачон етамиз? Шароити ночорлигидан ҳатто, касаллиги учун аптекадан зарур дори олиб ичишга қурби етмаётган қариндошимни қузатарканман беихтиёр шуларни ўйлаб қолдим...

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Президент фармонига мувофиқ

КОЛХОЗ ФЕРМАСИДАН—ХОНАДОНЛАРГА

Якшанба куни Муротали қишлоғи кўчаларида сигирлар, новвослар, қўйларни етаклаб кетаётган деҳқонларни кўрдим.

— Қўй қанча бўлди?

— Каттаси 400 сўм, кичиги — 200 сўм.

— Харидингиз муборак. Новвосни қанчага олдингиз, ака?

— 750 сўм, аммо ўзиям роса 10 пуд келади-да.

— Арзон олибсиз.

— Албатта, арзон, қўшним эса 600 сўмга ғунажин сотиб олди. Уни бозордан минг сўмга ҳам олиш қийин.

— Нима, буларни бозордан сотиб олганингиз йўқми?

— Молларни колхоз сотаяпти. Уларни хонадонимизда боқиб семиртирамиз.

— Нима билан боқасиз?

— Ем-хашакдан колхоз ёрдам беради. Ташвишланишга ўрин йўқ.

Бу манзарага Пискент районидаги Свердлов номли колхозда дуч келган эдик. Бу ерда жумҳурият Президентининг фармони ишчанлик билан бажарилмоқда.

Колхозда аҳолига чорва моллар ва парранда сотиш қизғин давом этаяпти. Қисқа вақт ичида колхозчилар 36 бош қорамол, 112 бош қўй ва эчки, 200 та парранда сотиб олдилар. Уларни боқиш учун колхозчиларга 115 тонна пичан, шунча беда, 300 тонна силос ажратилди.

Район Советининг раиси, Пискент район партия комитетининг биринчи котиби Т. Холбоев қуйидагиларни айтди:

— Районда Президент фармонини бажариш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда. Ҳозиргача аҳолига 120 бош қорамол, 1200 бош қўй ва эчки, 14500 тадан кўпроқ парранда сотилди. Шунингдек, етарли миқдорда ем-хашак ажратилди. Район хўжаликлари ҳозиргача шахсий хўжаликларга 200 тоннага яқин пичан, 500 тоннадан кўпроқ силос, 1900 тонна кўк беда, 217 тонна дон сотдилар. Чорва моллар ва ем-хашак сотиш давом этмоқда.

Т. АЛИМОВ.
ЎзТАГ мухбири.
Тошкент вилояти.

ҲАВЗАЛАРДА—БАЛИҚ ОВЛАШ МАВСУМИ

Шу кунларда Термиз аҳолиси дастурхонида Сурхондарё балиқчилик комбинати ҳавзаларида етиштирилган маҳсулот пайдо бўлди. Ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳар дўконлари орқали 15 тонна зоғорабалиқ, карп, товон балиқ ва бошқа хил балиқлар сотилди. Улар Амударё бўйидаги сув ҳавзаларидан тутилган. Бу йилги мавсум серҳосил бўлди: октябрь ойининг охирларигача аҳолига режалаштирилган 470 тонна ўрнига 500 тонна балиқ тутиб сотиш мўлжалланмоқда.

— Биз ҳар куни шаҳар дўконларига ҳозиргига нисбатан анча кўпроқ балиқ етказиб бериб туришимиз мумкин, — дейди комбинат директори Ф. А. Мирзаев. — Автотранспорт ишнинг белига тепаяпти. — Машиналар учун бензин йўқ.

Афсуски, ҳосил олаётганларнинг ҳаммасига — ғаллакорларга ҳам, боғбонларга ҳам, балиқчиларга ҳам битта умумий муаммо ҳалал бераётган экан. Ҳолбуки, балиқчиларга шаҳар маъмурлари ёрдам беришлари мумкин эди.

Сўраган эдингиз



СОҒЛИҒИНГИЗНИ АСРАНГ

Қўшнимиз узоқ йиллар қўл-оёғи ишламай, тўшакда ётиб қолди. Шу йил январь ойида Дружба шаҳар поликлиникаси врачи Ноила Тинчеровانинг ўнта даволаш сеансларини олгач, у юра бошлади. Ҳозир уй юмушларини бемалол ўзи бажараяпти.

Сизлардан илтимосимиз шуки, мазкур ноёб қобилият соҳибаси ҳақида газета саҳифасида ҳикоя қилсангиз.

Б. САЪДУЛЛАЕВ,
Х. ҚУРБОНОВ,
Хоразм вилоятининг Боғот районн.

Ушбу савол юзасидан жамоатчи мухбирларимиз Худойберган Жабборов ва Саъдулла Ўтабоев кардиолог-врач Ноила Юсуповна Тинчерова билан суҳбатлашдилар.

— Ноила Юсуповна, миннатдорчилик мактубларидан маълум бўлаяптики, беморлар сиз даволаётган усуллан шифо топишган. Айтинг-чи, ўзингиздаги бу ҳислатни қачон сезгансиз?

— Мактабдаги машғулотлар тугагач, болалар билан китоб ўқирдик. Турли ўйинлар ўйнардик. «Доктор-доктор» бўлиб, бир-биримизни даволардик. Баъзида шамоллаган, йўталаётган дўстларим бирга ўйнаганимиздан кейин тузалиб кетардилар. Мен болалардаги касалликларни сезардим-у лекин ҳаммада ҳам шундай ҳиссиётлар бўлса керак, деб ўйлардим. Аниқроғи, мактабни тугатгач, ўзимда биоток борлигини сеза бошладим. Ўйиндаги одамлар аримай қолди. Қисқаси, беморларга бўлган меҳрим ортди. Шу тариқа Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга кирдим.

— Одам танасидаги дардларни қандай сезасиз?

— Қўлларимни бемор танаси бўйлаб оҳиста юритаман. Касаллик пайдо бўлган жойдан бармоқларимга турли хабарлар келади. Мен ана шу даракчилар орқали касалликларни бир-биридан фарқлайман ва аниқлайман.

— Қўл тегизмай уқалаш сизнинг асосий муолажа усулингиз ҳисобланади. Даволашнинг бу янги тури бўйича бирор жойда таълим олганмисиз?

— Ҳа. 1989 йилнинг октябрь, ноябрь ойларида Москвага бориб, даволашнинг илк қўлланилаётган янги усуллари бўйича илмий-методик марказнинг тўла бир курсини ўтаб қайтдим. Машҳур экстрасенс Жуна Давиташвили ҳузурида бўлиб, янги даволаш усуллари юзасидан ўз кучимни синаб кўрдим. Умуман, Москвадаги бу илмий-методик марказда бўлиб қайтишим ҳаётимда бурилиш ясади.

— Ҳозир қандай касалликларни даволаяпсиз?

— Ҳузуримга келган беморларни обдон текшириб, ўзимга дахлдор касаллик билан оғриган кишини навбат билан даволайман. Жумладан, қон босими, ошқозон-ичак, юрак, кўз оғриғи, уйқусизлик, радикулит, фарзандсизлик, руҳий ҳасталиклар ва аёлларга алоқадор баъзи касалликлар...

— Баъзи экстрасенс врачлар бир йўла юзлаб беморларни қабул қилишади, даволашади. Сизнингча, бу яхши натижа берадими?

— Йўқ. У қандай даволашидан қатъий назар 8—10 нафар кишидан ортиғини дарддан халос этолмайди. Чунки, унинг даволовчи таъсир кучи юзлаб одамга етадиган даражада эмас.

— Сиз кунига қанча беморни қабул қилаяпсиз?

— Кўпи билан кунига саккиз нафар кишини даволайман. Ўн беш нафарга яқинининг касаллигини аниқлаб, диагноз қўяман. Бу, сизнинг-ча жуда кам бўлиб туюлиши мумкин. Лекин беморларни хўжакўрсинга эмас, чин дилдан, виждонан даволашимиз керак.

— Айтинг-чи, бир сеанс даволашингиз учун беморлар қанча ҳақ тўлашади?

— Даволаш сеансим касалликнинг турига қараб, 20 минутдан то 45 минутгача давом этиши мумкин. Ҳар бир олинган сеанс учун шаҳар ижроия комитетининг қарорига биноан 5 сўмдан пул тўлашади.

— Уруш ва меҳнат мўйсафидлари, байналмилал жангчиларни қабул қилишда имтиёзлар борми?

— Албатта, бундай кишилар навбатсиз қабул қилинадилар.

— Қишилар касалликка чалинмасликлари учун нимага эътибор беришлари лозим?

— Бўлар-бўлмасга асабийлашмаслик керак. Танангиздаги дардни дорилар билан эмас, иложи борича доривор гиёҳлар билан даволашга ўрганинг. Қадимий табобат илмига оид китобларни кўпроқ ўқишни маслаҳат бераман.

— Халқимиз учун жуда савоб иш бошлабсиз. Самарали меҳнат қилишингиз учун шароит етарлими?

— Поликлиникамиз мослаштирилган бинога жойлашган. Хоналар ниҳоятда тор. Зарур табобат ускуналари етишмайди. Даволаниш учун келган беморларнинг навбат кутиб ўтиришларига жой йўқ. Айтаверсак, камчиликлар кўп. Жумҳуриятимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари ёрдам бермасалар, ҳайрли иш бўларди. Чунки экологиянинг ёмонлашиб бориши туфайли касаллар сони ва тури ортаяпти.

— Газетхонларимизга тилагингиз?

— Аввало, соғлиғингизни асранг. Жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланинг.

— Суҳбатингиз учун ташаккур!

●

СУРАТДА: Н. Тинчерова поликлиника мудири Э. Искандаров билан.

С. БОБОЕВ олган сурат.

Ҳужжатлар имзоланди

ТОКИО, 6 сентябрь (ТАСС мухбирлари Александр КОПНОВ, Владимир КУЧКО, Георгий ШМЕЛЕВ). Расмий ташриф билан бу ерга келган СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе ва Япония ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғи Таро Накаяма музокаралар тугаганидан сўнг бугун СССР Президентининг Японияга ташрифига тайёргарлик масалаларига доир ҳужжатни имзоладилар. Ҳужжат иккала мамлакат дипломатия хизматлари раҳбарлари ўртасида ана шу ташрифга қадар бир қанча ҳукуматлараро икки томонлама битимларни, шу жумладан Совет Иттифоқида қайта қуришга техникавий ёрдам бериш, атроф муҳитини муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, маданий алоқалар тўғрисидаги битимларни ишлаб чиқиш учун куч-ғайрат сарфлаш ҳақидаги аҳдномани мустаҳкамлайди.

Чернобиль фожиаси оқибатларини тугатиш ишида Совет—Япония ҳамкорлиги фожиа оқибатларини тўла тасаввур этишга, жабрланганларни даволаш ва уларнинг аҳволини қузатиб туришга ёрдам беради, дейилади музокаралар натижасида имзоланган ҳужжатда. Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини бартараф этишда СССР билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумда. Япония томони, дейилади унда, авария натижасида юз берган аҳволни ўрганишда, унинг оқибатларини атом бомбардимонини бошидан кечирган мамлакат сифатида Японияннинг тажрибаси ва билимларидан фойдаланиб бартараф этишда СССРга кўмаклашишга тайёр. Томонлар тегишли мутахассисларни бир-бирларига юборишни шу йилиёқ бошлаб юборишни зарур ва фойдали деб ҳисобладилар.

Министрлар гуманитар соҳада, балиқ овлаш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан маслаҳатлашишни давом эттиришга келишдилар.

Бундан ташқари Э. А. Шеварднадзе билан Таро Накаяма иккала мамлакат ҳудудида ўз ҳукуматларининг аҳборот материалларини тарқатиш тўғрисидаги қўшма ҳужжатни имзоладилар, термоядро синтези соҳасида халқаро ҳамкорлик хусусида қўшма баёнот қабул қилдилар.

Бундан олдин СССР ва Япония Ташқи ишлар министрликларининг бошлиқлари Форс кўрфази минтақасидаги вазият муносабати билан матбуотда қўшма баёнот эълон қилдилар, унда Ироқнинг Қувайтга бостириб кирганидан қаттиқ ташвиш билдириб, Ироқ қўшинларини бу мамлакатдан дарҳол олиб чиқиб кетишни, Қувайт суверенитети, мустақиллиги ва ҳудуди яхлитлигини тезроқ тиклашни, Ироқ ва Қувайтдаги ҳорижий фуқароларга ватанларига ҳеч қандай тўсқинликсиз жўнаб кетишлари учун дарҳол имконият беришни талаб қилдилар.

Музокаралар якунлари юзасидан матбуотда эълон қилиш учун ахборот ҳам қабул қилинди.

Чет эл хабарлари

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИГА ТАЙЁРГАРЛИК

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Сешанба куни Оқ уйнинг матбуот котиби Марлин Фицуотер шундай деди: «Жаҳон тартиботининг янги пойдевори қўйилмоқда ва бунга тайёргарлик ишлари Хельсинкида бошланади». М. Фицуотер СССР ва АҚШ президентларининг 9 сентябрь куни Финляндия пойтахтида бўладиган учрашуви кун тартиби тўғрисида журналистларнинг берган саволларига жавоб қайтарди.

«Биз музокараларда вақтнинг катта қисми Яқин Шарққа бағишланишини кутмоқдамиз, — деди Фицуотер. — СССР БМТда жуда ижобий ўрин тутмоқда, у шунингдек ўзининг Саддам Ҳусайн босқинчилигига нисбатан оппозицияда турганлигини жаҳонга билдиради». Айни вақтда, деди Оқ уйнинг матбуот котиби, бу учрашув «иккала раҳбар учун «совуқ уруш» тугаганидан кейинги даврга буюк давлатлар манфаатлари нуқтаи назаридан баҳо бериш имкониятини ҳам яратади».

«Музокараларда Европада оддий қуролли кучларни қисқартириш тўғрисидаги битим муҳокама қилинади, — деди Фицуотер. — СССР билан АҚШ Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги учрашуви ўтказилиши олдидан имзолаш учун тайёрланиши лозим бўлган бу битим хусусида Оттавада келишиб олган эдилар. Олий даражадаги учрашув дастлабки тартибда шу йилнинг ноябрь ёки декабрь ойида Парижда ўтказилиши мўлжалланган. Иккала президент бу битимни батафсил муҳокама қилиб ўтирмайдилар, бироқ Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги учрашув ўтиши учун ушбу ҳужжатни имзолашга тайёрлашни таъминлашга қаратилган омил бағишлашга ҳаракат қиладилар».

КАШПИРОВСКИЙ ЧЕХОСЛОВАКИЯДА

ПРАГА. (ТАСС мухбири Борис Бажанов). Машҳур совет шифокори Анатолий Кашпировский АҚШ, Канада, Исроил ва Польшада бўлганидан кейин Шарқий Словакиянинг Кошица шаҳридаги спорт залида ўзининг дастлабки даволаш машғулотларидан иккитасини ўтказди.

Журналистлар билан бўлган учрашувда, у ўзида сеҳргарлик қобилияти йўқлигини, лекин 28 йилдан бери давом эттираётган шифокорлик фаолиятида инсонинсон учун энг яхши дори эканини тушунганини таъкидлади. Касалликларга қарши курашиш керак эмас, беморларни даволаш зарур, деб уқтирди у.

Яқин кунлар ичида яна тўртта даволаш машғулоти, шу жумладан Кошицадаги 8460 ўринли амфитеатрда машғулот ўтказилади.

ДАВОЛАНИБ ҚАЙТИШДИ

ГАВАНА. (ТАСС мухбири Николай Паска). Чернобиль атом электр станциясида рўй берган авария натижасида жабрланган 270 совет болаларининг навбатдаги гуруҳи душанба куни Кубага келди. Хосе Марти номли халқаро аэропортда СССРдан келган болаларни Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Хорхе Рискет кутиб олди.

Булар ҳам ўзларидан олдинги болаларга ўхшаб пионерлар шаҳарчасида дам оладилар, уларга ҳам тиббий ёрдам кўрсатилади. Жиддий даволанишга муҳтож болалар эса Кубанинг энг яхши педиатрия шифохоналарига жойлаштирилади.

Худди шу куни 309 совет болалари Гаванадан ўз Ватанига жўнаб кетдилар, улар саккиз ҳафта мобайнида Кубада даволандилар ва дам олдилар. «Менга қубалик дўстларим билан хайрлашиш оғир, — деди журналистларга 14 ёшли Ольга Урбан. — Бу ерда бизга кўрсатилган меҳрибонликни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаймиз».

ТАЗЙИҚ ЎТКАЗИШГА УРИНИШ

ВАРШАВА. (ТАСС мухбири Михаил Малчун). Кейинги пайтларда Польша жумҳурияти президенти В. Ярузельскийни эгаллаб турган лавозимидан кетишга мажбур қилиш мақсадида унга тазйиқ ўтказишга уринишлар бўлмоқда. Бу ҳақда Польша давлати бошлиғининг матбуот бўйича вакили бу ерда тарқатган баёнотида айтилган.

Президент сиёсий жараёнларни тўхтатиб турмоқчи эмас. Шу билан бирга у ўзининг олий давлат лавозимидан кетишидек муҳим қарор сиёсий маданият, демократия принципларини ҳурмат қилиш руҳида қабул қилиниши ва ҳокимият олий органлари амал қилишининг юридик талабларига жавоб бериши лозим деб ҳисоблайди, деб таъкидланади баёнотда. Президент ўз мандатини сайлов кампанияси сиёсий календарининг таркибий қисми деб ҳисоблайди. У сентябрь ойида парламентда тасдиқланиши лозим.

БОЛГАРИЯ АРМИЯСИ ЯНГИЛАНАЯПТИ

СОФИЯ. (ТАСС мухбири Игорь МИШАКИН). Болгария халқ армиясини қайта қуриш жараёни табиий равишда унинг раҳбариятини янгилашга сабаб бўлди. Генераллар ва адмиралларнинг катта гуруҳи запасга бўшатилди. Бу мутлақо объектив жараёндир, деб таъкидлади БХР халқ мудофааси министрининг собиқ биринчи ўринбосари, Болгария халқ армияси штабининг бошлиғи, ҳозир эса депутат, БХР буюк халқ мажлиси миллий хавфсизлик комиссиясининг аъзоси генерал — полковник Христо Добрев «Народна армия» рўзномаси мухбири билан суҳбатда.

Армияда стуктура ўзгаришлари амалга оширилмоқда, деди у, бу ўзгаришлар бошқарув аппарати сонини қисқартиришга, қўшинларни бошқариш системасини янада енгилроқ ва ихчамроқ қилишга олиб боради. Армияни сиёсатдан холи қилиш жараёни давом этмоқда. Конституция ўзгартирилиб, партия монополияси ва сиёсий аппарат тугатилгач, аскарлар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишнинг асосий йўналишлари ва мазмунини тубдан ўзгартириш, тарбиявий ишларни олиб бориш учун командирларнинг масъулиятини кескин ошириш учун зарур шароит яратилди.

Шу билан бирга бу вазифани офицерларнинг бажаришлари қийин, чунки уларнинг ишлари шусиз ҳам бошидан ошиб ётибди. Армияда тарбиявий иш билан шуғулланувчи аппаратни бутунлай тугатиш тўғрисидаги таклиф асосли эмас. Бу аппаратдаги кўпгина офицерлар юксак даражада умумқўшин, оператив ва махсус тайёргарликдан ўтган. Қўшинлар жанговар тайёргарлигини ошириш ўз ишларининг асосий мазмуни эканини улар амалда исботлаганлар. Уларнинг армиядан кетиши армияга ўнглаб бўлмайдиган зарар ўтказади.

Армиядаги партия ташкилотларининг тугатилиши ҳам катта қийинчиликлар туғдиради. Бунинг оқибатида офицерлар ва сержантлар қатъиятсиз бўлиб қолдилар, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинганига иккиланмоқдалар. Натижада бир қанча бўлинмаларда норасмий ташкилотлар пайдо бўлди.

СЎНГГИ СОАТДА

● НЬЮ-ЙОРК. Ироққа қарши ҳужум операциялари бошланган тақдирда Саудия Арабистонида жанговар ҳаракатларга америкаликлар қўмондонлик қиладилар, деди АҚШ мудофаа министри Эй-Би-Си телекомпанияси мухбири билан суҳбатда. «Биз Америка қуролли кучларини назорат қилишга доир одатдаги конституцион қоидаларга зид бўлмаган... ва айни пайтда Саудия Арабистони мустақиллигини таъминлайдиган ҳамда ҳимоя қиладиган қоидаларни ишлаб чиқдик». «Битим Америка қўшинларининг ўзини ўзи ҳимоя қилиш қонуний ҳуқуқини, шунингдек улар Саудия территориясида эканлигини ва АҚШ Саудия Арабистони билан маслаҳатлашмай туриб ҳеч қандай операцияни бошламаслигини тан олади». Лекин бу фақат маслаҳатлашув бўлади, деб таъкидлади Р. Чейни.

● САНТЬЯГО. Сальвадор Альенде ҳоки солинган тобут денгиз соҳилидаги Винья-дель-Мар шаҳридан Чили пойтахтига олиб борилди. Тобутни гулдасталар, бирликка, тинчлик ва демократияга даъват этувчи шиорларни ва миллий байроқларни ушлаб олган минглаб чилиликлар кузатиб бордилар. Чили президенти исённинг иккинчи куни солдатлар томонидан халқдан яширинча дафн этилган эди. Альенде фонди президент ҳокини қайта дафн этиш маросимини ўтказди, бу маросимга чет эллардан жуда кўп делегациялар ва таниқли сиёсат арбоблари келишди. Чили президенти Патрисио Эйлвин Сантьяго марказий қабристонидаги майдонда чилиликлар ва хорижий делегацияларга мурожаат қилди. У Чили халқининг бундан 17 йил муқаддам ҳарбий тўнтариш вақтида фожиали ҳалок бўлган буюк фарзанди хотирасига бағишлаб нутқ сўзлади (ТАСС).

Ҳар ҳафта шанба сонида

МУЙЧИНАК

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Аббос МУҲИДДИН таҳрири остида

СУВ БОШИДА СУВГА ТАШНА

Деҳқонобод ноҳиясидаги Ғарнбота қишлоғидагилар «Бўзчи белбоққа ёлчимабди» нақлининг ҳақиқат эканлигини ўз бошларидан кечирмоқдалар. Ўзингиз ўйлаб кўринг: «Оқбош — Биринчи май» сув қувури шундай ёнгиналаридан ўтса-ю аҳоли нчимлик сувга зор бўлса. Яхшнямки, ҳафтада бир оилага икки челакдан сув улашилади. Шунисига ҳам шукур. Мабодо ўшани ҳам бермай қўйишса-чи? Узун қулоқ гапларга қараганда, деҳқонободлик раҳбарлар нчимлик сув тарқатиш учун талон жорий қилишмоқчимиш. Уларнинг фикрича, шунда социал адолат бузилмай бу зарур тадбир қайта қуриш талабига мос тушармиш. Тоқиқлик ҳам шунчалик бўлади-да. Демак, раҳбарларимиз тиним билмай изланишаяпти.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Юсуф ота Ҳусановнинг айтишича, ёғин-сочинли кунлар бошлангудек бўлса аҳвол янада оғирлашади.

— Тиззагача лой билан икки километр масофадан сув ташиш жонга тегди, — дейди у.

— Жумҳуриятимиз Президентининг аҳолини нчимли сув ҳамда табиий газ билан таъминлаш ҳақидаги фармони деҳқонободлик раҳбарларга етиб бормаган кўринади. 30 йилдан бери шу аҳволда яшаётирмиз...

Кекса коммунист Жума бобо Саодатовнинг дардли ушбу сўзларини шарҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Бу нуқсон биргина ўша қишлоқда эмас. 600 тага яқин оила истиқомат қилаётган қўшни Тўлақўтон, Оқбет қишлоқларида ҳам аҳвол шундай...

Номигагина савлат тўкиб турган артезиан қудуқлари қачон ишга тушаркин?

П. ҲАКИМОВ.

Қашқадарё вилояти.

ЭЪЗОЗ, ЭҲТИРОМГА ЛОЙИҚ

Ўтмишда яшаб, ижод қилган буюк сиймолар ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар яратилган. Халқимиз уларнинг азиз номларини эъзозлашган.

Улкан сўз санъаткори, бахшилар сардори Эргаш Жумабулбул ўғли ҳам ана шундайлар сирасидан эди.

Бахшиси бор эл мард бўлади дейдилар. Халқ бахшилари меҳнат ва меҳнаткашлар ҳақида, баҳодирлар тўғрисида, хўп ва кўп куйлашган. Золимларнинг қиличидан, жоҳилларнинг найрангидан омонэсон бизнинг замонамизгача етиб келган халқ оғзаки ижодининг намуналари ҳамон эл дарди билан ҳамоҳангдир.

1978 йилнинг июнь ойида жумҳуриятимиз Эргаш Жумабулбул ўғли туғилган кунининг 110 йиллигини тантана билан нишонланганди. Унинг катта ҳайкали Кўрғон қишлоғига ўрнатилди. Шу ерда уй-музей ташкил этилди. Бу албатта халқимизнинг ўз бахшисига бўлган меҳр муҳаббати беқиёслигидан нишонадир.

Лекин сўнгги вақтларда бахшининг уй-музейи қаровсиз қолди. Бу ердаги буюмларни чанг босиб ётибди. Шоир ҳаётини ифода этувчи кўпгина манбалар, фотолавҳалар йўқолиб кетган. Пурвиқор ҳайкали қор ва ёмғир, иссиқ ва совуқ таъсирида увараниб бораяпти. Боғ эса сувсизликдан қовжираган. Ноҳия раҳбарлари эса улуғ бахшилар сардори сиймосига бир қиё боқишни унутишган.

Келинг, дўстлар, забардаст санъаткор сиймоси қаршисида бир зум ҳаёлга чўмайлик, улкан бахшига бўлган эъзоз-эҳтиромни жойига қўяйлик!

М. ҚИЁМОВ.

ЛОФЧИЛАР ДАВРАСИДА

Пиллачи лофчи мақтанди:

— Ранс бува қистайвергач бир қутн қурт олиб боқувдим. Қароқ зўр бўлганидан жониворлар чунонам етилдики, бирваракайига ипак ўраб қўя қолишди.

— Бунинг нимасига ажабланасиз! — унинг гапини бўлди ҳамкасби. — Бизникини кўрмагансиз-да, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қуртхоналардан пилла эмас, той-той атлас йиғиштириб олдик. Ҳозир дўконларда талаш эмиш.

* * *

Белини боғлаб олган деҳқонсифат лофчи инқиллаб ҳасрат қилди:

— Аҳмоқ бўлмасам, бировнинг гапига кирамаммм! Тарвузларни роса селитрага бўктирган эдим, ҳар бири гумбаздай-гумбаздай бўлиб етилди. Биттасини тўрт киши кўтариб машинага ортаётгандик, белим «қирс» этиб чиқиб кетди. Вой белим...

Суқбатдошн гапни илиб кетди:

— Э, сўраманг, ошна! Селитра деганн жонга битган бало экан. Қайси кунн кенжа неварам ўша савилга «тўйинган» тарвузлардан бирини сўяман, деб ичига тушиб кетса бўладимм. Аранг чиқариб олдик. Ҳолн танг роқ.

ХАНДА

— Хонимлар ва жаноблар! Кўз олдингизда мана шу кўинр, тош парчалари, михларни еб юбораман. Ўйлайманнн, томошадан сўнг снзлар қашшоқ артистга бир бурда нон учун эҳсон қиласнзлар.

Йиғиндан овоз қилишди:

— Қизиқ, шунча нарсанн еб яна оч бўласиз?

●

— Сиз бошлиқмисиз? Нега поезд уч соат нечиниб келди? Мен устингиздан шикоят қиламан.

— Физикадан хабарингиз борми?

— Поезднинг нечикишига физиканинг нима алоқаси бор?

— Ахир жисмлар иссиқдан кенгайишини биласиз. Ҳозир ёз, рельслар иссиқда кенгайиб узайган. Поезднинг нечикишн шундан, бродар.

●

— Институтларга кириш имтиҳони нима учун ёзда бошланади? — деб сўради ёш йигит ўртоғидан.

— Э, шпаргалкани беркитиш қийин бўлсин деб ёзга қўйишган-да, — жавоб берди ошнаси.

М. ТОШБОЕВ.

МУРОДУ МАҚСАДГА ЕТАР КУН БОРМИ?

ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК

Бор экану йўқ экан. Яқин замонда, Денов деган томонда бир чолу кампир тинчгина тотув яшар экан. Уларнинг пешонасига яккаю ягона ўғил битибди. Иллар ўтиб у мулоҳазали, зийрак, хушфъел, одобли, билимли одам бўлиб етишибди. Улар бирғаликда давру даврон суриб яшайверишибди. Тақдир экан йигит бир гўзал қизни севиб қолибди. Орага қариндошлар қўйилиб совчи юборилибди. Ишқ ташвиши «хамирдан қил суғурғандек» ҳал бўлибди.

Бироқ келин томон анойи эмас экан. Қизнинг яқинлари йигит яшаётган жойнинг шарт-шароитлари билан қизиқиб қолишибди. Шу мақсадда амма-холалари йўлга чиқишибди. Улар йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юриб Деновга келишибди. Қайдасан Чўнтош қишлоғи деб азоб билан «Денов — Куйбишев номли жамоа хўжалиги» автобусига чиқишибди. Сўнг яна анчагина яёв йўл босишга тўғри келибди. Бирорта машина ўтиб қолар, деган ниятда узоқ кутишибди. Сабр-тоқати танг бўлгандан сўнг тақдирга тан бериб ўйдим-чуқур, тупроқ йўлдан юриб, ҳориб-чарчаб қишлоққа кириб боришибди. Қудаларнинг йўлда кўрганлари ҳолва экан.

Одамлар қишлоқда ичимли сувни 2—3 чақиримдан эшакларда ташир, электр чироғи бир ўчса ўн қунлаб ёнмас экан. Раҳбарлар эса арз қилган кишига «тежамкорлик — текин бойлик» дея жавоб беришаркан. Булардан тоқати тоқ бўлган қудалар қуёвтўрани чақириб қатъий оҳангда: «Қишлоқдаги муаммолар ҳал этилмагунча тўй бўлмайди», деб хайр-маъзурни насия қилиб жўнашибди. Лекин улар бир нарсани: колхоз раҳбарларнинг «бор отангга, бор онангга» қабилида иш юритишларини билишмас экан. Куйбишев номли колхоз бошқаруви раиси Я. Ҳайитқулов эса қуруқ ваъдалар билан чўнтошликларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб юраверар экан.

Вақту соати келиб одамлар раҳбарлар билан учрашишни истаб уларни қишлоққа таклиф қилишибди. Ниҳоят уч ойдан сўнг ниятлари рўёбга чиқиб, мажлисбозлик бошланибди. Уч соат давом этган йиғилишда Я. Ҳайитқулов у дебди, бошқалар бу дебди, барибир ваъдалар ваъдалигича қолиб кетаверибди.

Қиссадан ҳисса — тўй яна кечикибди. Чўнтошлик ошиқ-маъшуқлар эса мурод-мақсадларига етишолмай юришибди.

Эртакни оққа кўчирувчи:

З. ХИДИРОВ.



— Жўжаларимизнинг тухумдан соғ чиқишлари учун олайлик...

Р. АҲМЕДОВ чизган сурат.

Наманганда бўлиб ўтган ҳосил байрамида вилоятнинг 135 хўжалиги фаол иштирок этди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу шодиёнага 2000 тоннадан зиёд сабзавот, мева, узум ва полиз маҳсулотларини олиб келдилар. Фақат деҳқонлар ва соҳибкорларгина эмас, санъаткорлар, новвойлар, қандолатчилар, дорбозлар ҳам байрам иштирокчиларига сидқидилдан хизмат қилдилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Ҳосил байрамига ташриф буюрган отахонлар Янгиқўрғон ноҳиясидаги «Заркент» давлат хўжалиги чорвадорлари томонидан қадимий усулда тайёрланган қатиққа юқори баҳо беришмоқда. 2. Ҳосил байрами ана шундай шодиёнолик билан бошланди.

А. КОВТУН олган суратлар.

(ЎзТАГ).

МУРУВВАТГА МУҲТОЖ

Ёзувчи Раҳим Бекниёз ўзбек китобхонларига шеърий асарлари билан бирга «Дерсу Узала изидан», «Сеҳрли дунё», «Қайдасан, Хумо!», «Темир тирноқ», «Бола мерган» тўпламлари, «Момиқжон» қиссаси, бошқа насрий китоблари билан танилган. Уларда табиат ва инсон муносабатлари, наботот оламининг сеҳрли, меҳрли дунёси талқин этилган. Биз адиб билан она табиатимиз, унинг бугуни ва келажаги хусусида мулоқот қилдик.

— Раҳим ака, сизни овчи ва табиатнинг чин ошиғи сифатида биламиз. Овчиликка ихлосингиз нимадан бошланган?

— Қурол ушлашни билганим ёки ейиш-ичиш касд бўлгани учун овчилик қилганим йўқ. Ёшлигим Қуланқорабоғдек гўзал қишлоқда кечган. Кўпинча читмак отиб ўйнардик. Ўқ-ёй билан қушларни овлардик, қармоқ билан балиқ ушлардик. Бу ишдан аста-секин кўпроқ ҳузурланадиган бўлиб қолганман. Улғайганимда эса Дерсу Узала саргузашти менинг ҳам қўлимга қалам тутқазди.

— Журналист бўлиб ишлаётган йилларингизда березент либос кийиб, елкага милтиқ осиб, тозиларни эргаштириб, икки-уч кунлаб табиат қўйнида бўлганингиз, ҳатто меҳнат отпускаларида ҳафталаб тўқайларда қолиб кетганингизни эшитардик. «Мен курортга бормайман» шеърингиз ўшанда кўпларни овчилар сафига тортган.

— Илгари Қорақум этакларидаги зангори қўллар, Аму ёқасидаги қалин ўрмонлар ҳаммани оҳанграбодек сулим бағрига чорларди. Инсоннинг ҳузур қилиб дам олиши бир тараф. Тўронғиллар саноатда (нозик мебеллар ясаш учун), рўён (бўяннинг томири) кимё ва медицина саноатида, қамиш озуқа ва қурилиш материали сифатида ишлатиларди.

Мен табиатни ўрганганимда (олтмишинчи ва етмишинчи йилларда) ўзбек адабиётида ҳали экология сўзи йўқ эди, десам адашмайман. Ўшанда биз роҳатланиб балиқ тутадиган зангори қўллар энди қани? Роппа-роса уч юз олтмиш кўл (Хоразм қўйнида иккинчи Орол) бор эди-я. Об-ҳаво ва иқлим мувозанатида уларнинг фойдаси бебаҳо эди. Мош, Юмолоқ, Қорамози, Қақрали, Шоббоз тўқайларининг ҳаммасида ов қилганман. 20-йилларда Юмолоқ тўқайда бугу бўлган. Ўшанда тўқайлар қирғовул, сулгин, қуён, тулки, ўрдак, тўнғиз, бўрсиқ ва бошқа ҳайвонлар, қанотли сут эмизувчи жониворлар маскани эди. Пахтазорлар кенгайиб, еру фалакдан экинга кимёвий ўғитлар сочиш авж олди-ю табиат чархпалак бўлди-қолди. Овда ҳам, яшил дунёни сайр этишда ҳам маза қолмади, сеҳр йўқолди.

Табиат ва инсон

— Демак, овчилик «сеҳрли дунё»дан баҳра олиш, унга мададкорлик қилиш, табиатнинг тарозида тортилмайдиган ноёб бойликларини асраш ва кўпайтириш...

— Тўғри. Овчи милтиқ кўтаргани билан бағритош инсон эмас, аксинча, ҳайвонот оламини мувозанатда сақлаб турувчи оқ кўнгил одам, табиат қушандаси эмас. Тўр билан балиқ овловчилар, қушларни очкўзлик билан беаёв қирувчилар табиат жаллодларидир. Бундайлар учун қонун бор. Том маънодаги овчини раҳбар овчи деймиз. У табиатдан бирни олса, унга ўнни ато этади. Зиёдини овлаб, камини кўпайтириб, ҳайвонот оламида мувозанатни барқарорлаштириб туради. Чунончи, сулгин кўпайса, пахта чигитини, жўхори донини ейди, бундай чоқда овчи уни камайтиради. Бўри, шақол кўпайса, қўй-қўзилар ва паррандалар азият чекади, бунга ҳам йўл қўймайди.

— Экология яхшиланишига, овчилик хўжаликлари равнақ топишига умидворминсиз?

— Очиғи, умидвор эмасман. Нега? Табиатга муносабатнинг ҳозирги аҳволи шахсан мени қаноатлантирмайди. Биринчи галда Аму этакларидаги тўқайларни қисман бўлса-да тиклаш лозим. Хўжаликлар тўқай қилиниши зарур бўлган майдонларга 3—4 йил қўл теккизмасалар, экин экмасалар, қамишзорлар яна пайдо бўлади-қолади. Бундай оромгоҳларга, осуда табиат бағрига қушлар ва ҳайвонлар таклиф этмасак ҳам келишаверади.

— Озайиб қолган паррандалар, турли жониворларни уй шароитида асраб, гулларни ўстириб юрган эл-дошларимиз бор...

— Ҳа, ана ўшалар ҳақиқий табиат шайдоларидир. Улар ҳам ачинадилар, ҳам овунадилар. Имкони топилса, уларни рағбатлантириш керак. Эҳтимол, кўриклар ўтказиш зарурдир. Бу хил тадбирлар табиат шайдолари сафини кенгайтиради. Қолаверса, она табиатимиз бугун ҳар қачонгидан ҳам мададга муҳтож. Инсоннинг маданий дунёси, табиатга ошифталиги ва меҳрибонлиги қанчалик ошса, ҳайвонот олами шунчалик қадрият топади.

Суҳбатдош:

А. ОТАЖОНОВ.

СПОРТ ОЛАМИ

ЙИРИК ҲИСОБДА

Олий лигада бир учрашув ўтказилди. Москва армиячилари ўйинлар жадвалининг охирги поғонасида бораётган Волгограднинг «Ротор» командасини қабул қилдилар. Ўйин пойтахтлик футболчиларнинг тўла устунлигида ўтди. Улар танаффусга қадар меҳмонлар дарвозасига жавобсиз учта тўп йўлладилар.

Иккинчи бўлимда ҳам МАСК командаси ҳужумкорликда ҳаракат қилди. Натижада матч охиригача армиячилар яна тўрт маротаба меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олдилар. Шуниси эътиборга лойиқки волгоградликлар дарвозасига киритилган 7 та тўпнинг 5 таси Масалитин ҳисобига ёзилди. 7:0 ҳисобида ғалаба қозонган МАСК коллективи жамғармасидаги очколарни 25 тага етказиб, ўйинлар жадвалининг иккинчи поғонасидан мустаҳкам ўрин олди.

Ўйинлар жадвали

	Ў	Т	О
«Динамо» К	18	30-12	26
МАСК	18	33-15	25
«Торпедо»	18	20-18	22
«Спартак»	16	30-17	21
«Динамо» М	17	18-17	21
«Днепр»	17	24-17	18
«Шахтёр»	19	17-23	18
«Арарат»	17	19-13	17
«Черноморец»	18	20-22	16
«Металлист»	16	7-18	13
«Помир»	16	13-21	12
«Динамо» Мн	18	13-26	9
«Ротор»	18	8-33	8

КЕСКИН ВАЗИЯТ

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида кучлилар сафига йўлланма берувчи тўрт ўрин учун кескин кураш бораяпти. Буни навбатдаги учрашувлар яна бир бор исботлади. Ўйинлар жадвалида карвонбошилик қилаётган Запорожьенинг «Металлург» командаси сафарда муҳим бир очкони бой берди. Карвонбоши Ростовда маҳаллий «Ростсельмаш» билан дуранг (1:1) ўйнади.

Иккинчи ўринни эгаллаб турган Владикавказнинг «Спартак» коллективи ҳам сафарда очко йўқотди. Бу команда Нижний Новгородда «Локомотив» билан учрашди. Кескин кураш остида ўтган бу матчда ҳисоб очилмади.

Воронежнинг «Факел» ва Абовяннинг «Котайк» коллективлари ўртасидаги учрашув 2:1 ҳисобида тугади. Бошқа ўйинлар қуйидаги натижаларни берди: «Динамо» (Ставрополь), — «Нистру» (Кишинев) —1:1, «Геолог» (Тюмень) — «Тирас» (Тирасполь) — 1:0, «Шинник» (Ярославль) — «Таврия» (Симферополь) — 1:0.

Кеча биринчи лигада ягона учрашув бўлди. «Пахтакор» Краснодарнинг «Кубань» командасини қабул қилди.

БОКС — МУРОСАСИЗ ЖАНГ

Илгари хабар берганимиздек, Дублинда жаҳон кубоги учун мусобақалар давом этаяпти. Совет чарм қўлқоп усталаридан биринчи бўлиб мариуполлик Евгений Зиков ярим финалга чиқди. Шунингдек, 67 килограммгача вазнда кубалик Фуан Эрнандес, ГФР вакили Михаэль Леве ва англиялик Роберт Маккрэйкен соврин учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

91 килограммгача вазнда қозоғистонлик Игорь Шишкин муваффақиятли қатнашаяпти. У чорак финалда болгариялик Валентин Давидов билан учрашиб, тўла устунликда ғалаба қозонди. Бу вазнда кубалик жаҳон чемпиони Феликс Савон, ГФР вакиллари Рене Монзе ва Берт Техерт ярим финалга чиқишди.

Муҳаррир ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

Ойнаи жаҳонда

9 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия.
11.40 «Қувноқ стартлар». Киев шаҳар «Каштан» ҳамда Бухоро вилояти «Зарафшон» командалари ўртасидаги мусобақа.
12.25 «Деҳқон юмушлари».
13.00 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Ажойиб майдон». Мультфильмлар тўплами.
18.45 «Қўшиғим, жон қўшиғим». «Бойчечак» хорининг композиторлар билан учрашуви.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Буюк муҳаддис». Ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги олдидан.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Ўзбек куйларидан концерт.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Фарҳоднинг жасорати». Бадиий фильм («Узбекфильм»).
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Билим» байрами. В. И. Ленин номидаги Маданият ва истироҳат боғидан репортаж.
10.55 «Илҳом чашмалари». Фильм-концерт.
12.00 Танкчилар кунига бағишланган кинопрограмма.
12.45 «Қуён». Бадиий фильм (рус тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Қуён». Бадиий фильм (рус тилида).
19.40 «Меҳроб». Ховалинг ноҳияси.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Гулчин». Концерт программаси.
22.00 «Ҳафта». Информацион кўрсатув.
22.30 «Фарҳанг ва ҳунар». Тележурнал.
23.50 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Саёҳатчилар клуби».
12.00 «Здоровье».
12.45 «Мусиқий киоск».
13.15 «Агрохимнинг жанубий дарвозалари». Ҳужжатли фильм премьераси («Рапид» студияси).
13.35 Болалар учун фильм. «Том Сойер ва Гекльберри Финнинг саргузаштлари». 3-серия.
14.40 Шоир Виктор Боков билан учрашув.
15.40 «Ер— она масканимиз». Фотоконкурс.
15.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
17.00 «Марафон-15».

Якшанба кинозали

18.30 «Калле ва Бука». Мультфильм.
18.55 МТ экранида биринчи марта. «Оддий кўз билан». Бадиий фильм (АҚШ).
20.30 «Время».
21.00 «Телевизион танишув». Академик Д. С. Лихачев.
22.20 «Қўрқув ва гина-кудратсиз». Ҳужжатли фильм.
22.40 Лайма Вайкуле концерти.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг!
7.50 Мультфильмлар: «Бўталоқ ва хўтик қандай қилиб мактабга боришди», «Унгача санашни биладиган эчкича», «Қўлга тушган мушук».
8.15 Юқори Дон қўшиқлари. Ростов-Дондан кўрсатилади.
8.55 Она-замин ташвишида. «Днепрни узунасига ва кўндаланга» («Беларусьфильм»), «Гаровдагилар» (Украина хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси).
9.25 Коллаж.
9.30 Болалар учун фильм. «Кичкинтой Мукнинг саргузашти» («Тожикфильм»).
10.40 «Автошаҳарчада спорт фестивали». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
12.00 «Биз биргамиз, онажон». Телевизион бадиий фильм (Одесса киностудияси).
13.10 «Агар сиз...».
13.55 Коллаж.

●

14.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

●

16.30 И. С. Бах. Бранденбургча 4-концерт.
16.55 «Планета». Халқаро программа.
17.55 «Учрашувга Татьяна Шмига таклиф этди». Телевизион мусиқий фильм.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Айёр қарға». Мультфильм.
19.45 Эркин кураш. Жаҳон чемпионати. Японияндан кўрсатилади.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.00 «Менинг одамларим». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар (А. Довженко номли киностудия).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Д. 1281. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12